Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 121 (21. 220) 1992 йил 20 июнь, шанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар. Янгиликлар. Шарҳлар.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ТУГАДИ

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Жанубий Кореяга тўрт кунлик расмий давлат ташрифи 19 июнь куни Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги янги муносабатларнинг асосини белгилаб берадиган бир қанча ҳужжатларни имзолаш билан ниҳоясига етди.

Осиёдаги иккала давлат истиқлолини, ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигини ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик — булар Ислом Каримов билан Корея Республикасининг Президенти Ро Дэ У имзолаган «Давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация»нинг бош қоидаларидир. Унда иккала давлат БМТ низоми, халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган меъёрлари асосида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашишлари таъкидланади.

Ўзбекистон делегациясининг ташрифи чоғида иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик масалалари муҳим ўрин тутди. Савдо-иқтисодий айирбошлаш, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга маблағ сарфлайдиган Жанубий Корея ишбилармонларига бериладиган кафолатлар ҳақидаги битимлар имзоланди.

Маданият, маориф, оммавий ахборот, саёҳат ва спорт соҳаларида Жанубий Корея билан Ўзбекистоннинг баҳамжиҳат ҳаракатларининг узоқ муддатга мўлжалланган режалари белгиланди.

Сеулда имзоланган иккала мамлакат фуқароларига рухсатнома бериш муаммоларига доир ҳужжатлар иккала мамлакат ишбилармонлари, фан, маданият арбоблари, спортчилари, хусусий кишиларининг бир мамлакатдан иккинчисига боришларини расмийлаштириш тартибини осонлаштиришга ёрдам беради.

Жанубий Корея матбуоти Ўзбекистон Президентининг бу мамлакатга тарихда биринчи ташрифи муваффақиятли бўлганлигини таъкидламоқда. Бу ташриф иккала мамлакат ва халқлар ўртасидаги муносабатларда янги саҳифани очади.

Ислом Каримов Осиё — Тинч океан минтақаси мамлакатлари бўйлаб сафари чоғида Корея Республикасидан кейин Малайзия ва Индонезияга боради.

(ЎзА мухбири).

ИШЧИ—ЯРАТУВЧИ, БУНЕДКОР

Нозик таъб уста

Ардоқли бўлиш осон эмас. Киши қадрини меҳнат оширади. Буни Ҳамрожон яхши англайди. Қолаверса, бир ишни пухта бажариш унинг қонқонига сингиб кетган, бошқалардан ажралиб турувчи фазилати. Шу фазилати уни сафдошлар қаторида обрўли қилди.

Ҳамкасбларидан Ҳамрожон ҳақида сўрасангиз:

— Қўли гул йигит...

— Лойдан санъат асари яратади.

— Қўли дард кўрмасин... дея унга бўлган ўз меҳр ва ҳурматларини ифода қилишади.

Бизнингча, у танлаган касбини эъзозлаётган уста. Бешўн йил аввал оддийгина сополсоз бўлса, энди лойдан буюм ясаш, гўзал шаклларга киритиш, буюмга безак бериб, сопол буюм сатҳида чаман яратиш санъатини пухта ўзлаштириб олди.

Қисқа фурсатда Фарғона вилоятидаги Риштон сопол буюмлар заводи меҳнат жамоаси эътиборини қозонди. Маҳорати, изланувчанлиги, илғор тажрибаларга амал қилиши билан уста деган таъриф-тавсифга сазовор бўлмоқда.

Уста Ҳамрожон Қодиров меҳнати синган сопол буюмлар—лаган, товоқ, гулдон ва бошқа совға буюмлари Ўзбекистондагина эмас, хорижий мамлакатларда ҳам харидоргир. Шундай буюмлардан янги бир туркуми куни кеча қўшни Афғонистон савдо фирмалари томонидан сотиб олинди.

Суратда: нозик таъб уста Ҳ. Қодиров.

Ж. ҚОСИМОВ.

Суратқаш Н. РАҲМОНОВ.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

БИРИНЧИ ТАШРИФ

● Россия Президенти Борис Ельцин кеча эрта тонгда Канадага биринчи давлат ташрифи буюрди.

Ундан мақсад — икки мамлакат ўртасидаги ҳозир ишонч ва ҳамжиҳатлик кучайиб бораётган муносабатларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришдан иборат. Ташриф давомида иккала давлат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида музокаралар ўтказилмоқда.

МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР

● Жаҳон афкор оммаси Россия билан АҚШ ўртасида тузилган тарихий битимни қизғин маъқуллямоқда.

Жумладан, Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжер Россия билан Америка ихтиёридаги олисликка учириладиган ядро қуролларини яна кўп миқдорда қисқартириш ҳақида олий даражадаги учрашувда келишилган битимга юксак баҳо берди. «Биз бу аҳдлашувни самимий қутлаймиз», — деди у парламентнинг Жамоалар палатасида берилган саволга жавобан.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

● Қозон шаҳрида татарларнинг жаҳон конгресси ўз ишини бошлади.

Халқаро анжуманга йиғилган қатнашчиларнинг 49 нафари АҚШдан, 38 нафари Туркиядан, 32 нафари Финляндиядандир. Австралия, Канада, Руминия, Польша, Франция, Япония, Хитойдан ҳам татарлар Қозонга ташриф буюришган.

Конгресс 23 июнгача давом этади.

ЯНГИ БОШЛИҚ

● Украина мудофаа вазири генерал-полковник К. Морозов янги буйруққа имзо чекди.

Унга мувофиқ Украина ҳарбий-денгиз кучларининг қўмондони, контрадмирал Б. Кожин айни пайтда Севастополь гарнизонининг бошлиғи этиб тайинланди.

Тўғри, ҳозирча Қора денгиз флотининг сиёсий ва ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги масала узил-кесил ҳал этилгани йўқ. Шу боис Севастополь гарнизонининг янги бошлиғи вазир буйруғига биноан Украина қуролли кучлари таркибига кирувчи қўшилмалар ва қисмларга ҳам раҳбарлик қилади.

15 СЕНТЯБРДА

● Махсус ишлаб чиқилган режага кўра, собиқ Совет Армиясининг ҳарбий бўлинмаларини Монголия ҳудудидан олиб чиқиш бошланди.

26 июнда мунтазам армиянинг сўнгги уч юз нафар аскари Монголияни тарк этади. Натижада бу ерда яна минг нафар ҳарбий хизматчи қолади. Улар «уёқ-буёқни тозалаб» бўлгач, 15 сентябрда уйларига жўнаб кетишади. Шу тариқа 50 минг кишилик совет қўшинларидан биронта ҳам одам Монголияда қолмайди.

ҚУРУЛТОЙ БЎЛАРМИШ

● Яқинда КПССнинг навбатдаги йигирма тўққизинчи қурултойи бўлармиш, деган хабар тарқалди.

Қурултойга тайёргарлик жараёнида Москва вилоятидаги Загорск район партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети собиқ Бош секретари вазифасини бажарувчи Олег Шенинни делегат қилиб сайлади.

Ҳозирги пайтда Олег Шенин Фавқулодда ҳолат давлат комитети иши билан айбланиб, қамоқда ётибди. Коммунистлар қурултойига тайёргарлик кўрувчи Бутуниттифоқ комитетининг раиси С. Скворцовнинг айтиши бўйича «ҳеч ким Шениндан Бош котиблик лавозимини тортиб олгани йўқ ва у ҳамон Бош котиблигича турибди».

ИЎЛИНИ ТОПИШДИ

● Қаловини топса қор ҳам ёнади, деганларича бор экан. Камчатка вилоятидаги Усть-Большерецк озуқа комбинатида нақд пул йўқлиги сабабли юзага келган ижтимоий кескинликни жиддий равишда камайтиришга муваффақ бўлдилар.

Бу ерда ойлик маош бериладиган пайтда нақд пул ўрнига ўзлари ишлаб чиқараётган аралаш тарқатишмоқда.

Шу кунларда корхона кадрлар бўлимида ишга қабул қилишларини сўраб ёзилган аризалар сони кескин кўпайди.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

● Тоғли Қорабоғ ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этилиб, умумий сафарбарлик эълон қилинди.

Фавқулодда ҳолат бир ойлик муддатга мўлжалланган.

Тоғли Қорабоғ Олий Кенгашининг Раёсати, шунингдек, Озарбайжон қуролли кучларининг бўлинмалари эгаллаган жойларда «партизанлар уруши» бошланганлигини хабар қилди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларининг материаллари асосида тайёрланди).

• *Президент Фармони—эл дармони*

● Жумҳуриятимиз Президентининг аҳолини ичимлик тоза сув ва табиий газ билан таъминлаш борасидаги Фармони кенжа Навоий вилоятида жадал амалга оширилмоқда. Айтиш мумкинки, ҳозирдаёқ янги вилоятнинг Хатирчи, Навоий, Қизилтепа районларида қишлоқларни газ ҳамда ичимлик сув билан таъминлашда бир қатор ибратли ишлар қилинди.

ТАНГЛИК ДАВРИДА ТАНТИЛИК

Бу ўринда, айниқса Қизилтепа районида кўламли иш олиб борилмоқда. Кейинги икки йил мобайнида мазкур районда қарийб 300 километр узунликда қувурлар ётқизилди, ўнлаб қишлоқлар аҳолиси «зангори олов» билан таъминланди. Бунга мисол қилиб «Бўстон», «Зармитан», «Варозун», «Сардоба» «Тавоис» давлат ва жамоа хўжаликлари қишлоқларини кўрсатиш мумкин.

Айни кунларда районда газлаштириш ишлари суръати янада тезлаштирилди. Ўтган ойлар мобайнида «Меҳнат-роҳат» жамоа хўжалигининг Ажванди, Айрончи, Работ, Оқсоч қишлоқларидаги кўплаб хонадонлар арзон ёнилғига эга бўлишди. «Варозун» жамоа хўжалигида эса яна 15 километрлик масофага газ қувурлари ётқизилди. Натижада 50 хонадон газлаштирилди.

Район газлаштириш идораси жамоасининг хайрли ишларини алоҳида қайд этмоқ жоиз. Газлаштириш жамоаси мутахассислари россияликлар билан шартнома тузишиб, газ қувурлари ва плиталар олишни йўлга қўйишяпти. Шунингдек, Бухоро районидаги «Темир» кичик корхонаси жамоаси ҳам қишлоқларни газлаштиришда қизилтепаликларга яқиндан кўмак беришяпти. Уларнинг мадади билан ҳозир бир қатор хўжаликларда газ қувурлари ётқизиш, пайвандлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Йил охиригача районда яна 70 километрлик газ қувурлари ётқизилади ва шу тариқа юзлаб хонадонлар рўзғорда табиий газдан фойдалана бошлайди.

Қизилтепада қишлоқларга сув қувурлари ўтказишга ҳам жиддий эътибор билан қаралмоқда. Ҳозир район марказ ва марказга яқин хўжаликлар қишлоқларини ичимлик сув билан таъминлаш ниҳоясига етказиляпти. Дамхўжа — Навоий — Бухоро сув қувурининг иккинчи босқичи тўла ишга тушса, бу муаммо узил-кесил ҳал бўлади.

Бироқ марказдан олис қишлоқлар аҳолисининг ичимлик тоза сувга бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш бирмунча мураккаб кечмоқда. Чунки, Зарафшон дарёси ва Жилвон ариғи сувлари нитратлашиб, қаттиқлик даражаси ошиши об-ҳаётнинг истеъмолга яроқсизлигини кўрсатмоқда. Демак, қандай бўлмасин, тоза чучук ерости сувлари манбаини топмоқ, шу йўл билан олис қишлоқлар аҳолисини ҳам ичимлик тоза сув билан тўла таъминлаш зарурати кучаймоқда.

Узоқ изланишлар натижасида бунинг ҳам имкони топилди. Қўшни Шофиркон ҳамда Ғиждувон районлари оралиғидан топилган ерости сув манбаи айни муддао бўлди. Гидрогеолог ва геофизикларнинг таъкидлашича, бу жойдаги ер ости ҳавзаси ҳар дақиқада 100—102 литргача сув бера олади. Сувнинг таркибида углеводлар, микроэлементлар етарли экани диққатга сазовор. Гап уни инсон изига бўйсундиришда қолди, холос. Бунинг учун Ғиждувон тарафдан Қизилтепа томонга 18 километрлик сув қувурлари ётқизиш лозим. Ана шунда об-ҳаёт сероблашади.

«Бўстон» давлат хўжалиги ҳудудида шу гидроиншоотни бунёд этиш ишлари бошлаб юборилгани кўпчиликни қувонтирди. Бу ишга Шофиркон қурилиш-монтаж участкаси гидроқурувчилари жалб этилди. Улар сув қувурлари ётқизиш ва пайвандлашни жадал йўлга қўйишди. Режага кўра дастлаб «Бўстон» давлат хўжалиги ва «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари, кейин эса «Зармитан» хўжалиги томон қувурлар ётқизилиб, об-ҳаёт етказиб берилади. Бироқ қувурлар тақчиллиги, бунинг устига, қувурлар харид нархининг кескин ошиб кетганлиги ишнинг белига тепаяпти. Яхшиямки, ишбилармонлар, воситачилар бор. Акс ҳолда ишнинг тўхтаб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

— Бултур етиштирилган хом ашё, аниқроғи Президент Фармони берган имтиёзга мувофиқ ўзимизда олиб қолинган пахта толасининг 200 тоннасини россияликлларга сотиб, эвазига Липецк шаҳридан 1000 тонна сув қувурлари олаяпмиз, — дейди район ҳокими Т. Фатуллаев. — Менимча, бундай ҳамкорликни янада ривожлантириб, қўшни давлатлар билан мол айирбошлашни тубдан яхшиламоқ керак. Бозор муносабатлари шароитидаги нархнавони фақат шу йўл билан ҳал қилиш мумкин. Ҳозир четдан олинган қувурлар эвазига Ғамхўр, Бободуғи қишлоқларини сув билан таъминлаяпмиз.

Дарҳақиқат бугунги кунда ишбилармонинг ошиғи олчи. Қани энди қизилтепаликлар сингари Томди, Учқўдуқ районлари раҳбарлари ҳам аҳолини тоза ичимлик сув ва табиий газдан баҳраманд этишда қуйидипишдилик кўрсатишса. Мазкур районлар овул ва ўтовларини табиий газ, ичимлик сув билан таъминлаш борасида тайинли иш қилинаётгани йўқ. Газ ва сув масаласида белгиланган тадбирлар эса қоғоздалигича қолиб кетмоқда. Ҳа, танглик даврида тантилик ҳам керак. Тантилик, Президент Фармонларига ҳозиржавоблик бизни иқтисодий тангликдан олиб чиқишга кўмаклашади.

М. ШАРОПОВ,
Навоий вилояти.

ҚАРДОШ, ҚЎШНИ РЕСПУБЛИКАЛАРДА

ТОЖИКИСТОН ЯНГИЛИКЛАРИ

Республикада ҳозир кўпгина хорижий давлатлар, жумладан, Эрон, Туркия, Америка, Хитой элчихоналари ишлаб турибди. Куни кеча Россия Ташқи ишлар вазирлигининг делегацияси билан Душанбе шаҳрида Россия Федерацияси элчихонасини очиш тўғрисида келишиб олинди.

* * *

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Абу Али Ибн Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт институти университетга айлантирилди. Бу эса мазкур ўқув юртида илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш, хорижий мамлакатлар билан талабалар айирбошлаш имконини беради.

* * *

Помир тоғлари турли-туман доривор ўсимликлар, гиёҳларга бой. Айни вақтда бу ердаги қулай иқлимий шароит шифобахш ўсимликларни қўлда экиб парваришлаш имконини ҳам беради. Хоруғ шаҳрида ана шундай ўсимликларни қайта ишлаш заводи қурилабошлади. Унда ўттиздан ортиқ ёввойи ва экилган шифобахш ўсимликлардан дори-дармонлар тайёрланади.

* * *

Республика пойтахти Душанбе жаҳондаги кўпгина мамлакатлар билан ҳаво йўллари орқали боғланмоқда. Яқинда Тожикистон билан Покистон ўртасида шундай йўл очиш тўғрисида битим имзоланди. Июль ойидан бошлаб ҳафтада бир марта Душанбе-Карачи ва Карачи-Душанбе маршрути бўйича тайёралар қатнай бошлайди.

Т. ТУЙЧИЕВ,
ЎзА мухбири.
Душанбе.

МУКОФОТГА—«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Урганч шаҳар кенгаши ва бошланғич партия ташкилотлари фаоллари омма орасига тобора чуқурроқ кириб бориб, жумҳуриятимизнинг отахон газеталаридан бири ҳисобланган «Ўзбекистон овози»нинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини ташвиқ қилишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Қатор саноат, қурилиш, транспорт корхоналари маъмуриятлари ХДП шаҳар кенгаши тавсиясига амал қилиб, меҳнат илғорлари, ишлаб чиқариш пешқадамларини моддий рағбатлантиришнинг янги усулини амалда кенг қўллай бошладилар. **Бу усул — бунёдкорлик меҳнатида алоҳида ўрнак ва намуна кўрсатаётганларни корхона ҳисобидан «Ўзбекистон овози» рўзномасига обуна қилишдир.**

— Биз бундай таклиф-мулоҳазаларимизни дастлаб Урганч ёғ-мой комбинати директори, Ўзбекистон халқ ноиби Тельман Мусаев билан ўртоқлашган эдик, — дейди шаҳар кенгашининг биринчи котиби Баҳодир Бобожонов мамнунлик билан. Тельман Раззоқович тушунадиган раҳбарлардан эмасми, фикримизни дарров қўллаб-қувватлади. Бу тадбир ўз навбатида илғорларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг янги, ғоят мақбул усулларидан бири бўлажагини ҳам алоҳида таъкидлади. Комбинат фаоллари ўша заҳотиёқ корхонада алоҳида ўрнак кўрсатаётган меҳнат пешқадамларини ҳисоблаб чиқишди. Бу саф 50 нафар кишини ташкил этди. Маъмурият уларни илғорлиги учун рағбатлантиришга — «Ўзбекистон овози» рўзномасига корхона ҳисобидан обуна этишга қарор қилди.

Бу ташаббусни, деб сўзида давом этди шаҳар кенгаши биринчи котиби, — бошқа меҳнат жамоаларининг раҳбариятлари ҳам қизғин қўллаб-қувватладилар. **Жумладан, Хоразм пойабзал бирлашмаси ҳам илғорлардан 50 нафарини, Урганч тикувчилик фабрикаси 30 нафарини, ипакчилик фабрикаси маъмуриятти 20 нафарини, вилоят агросаноат уюшмасининг 299-махсус кўчма механизациялашган тизими ўз сафларидаги 12 нафар ХДП аъзосини, «ХАТП—14» автокорхонаси ҳам 12 нафар пешқадамни «Ўзбекистон овози» рўзномасига корхона ҳисобидан обуна қилишди.** Бундай моддий-маънавий рағбат меҳнат фолибларини ишлаб чиқаришда тобора янги ютуқларни қўлга киритишга илҳомлантирмоқда.

Моддий рағбатлантиришнинг газетага корхона ҳисобидан обуна қилдиришдек бу услубига вилоятнинг бошқа шаҳар ва ноҳияларидаги меҳнат жамоалари ҳам хайриҳоҳлик билан амал қилмоқдалар. Яқинда ХДП вилоят кенгашида шаҳар ва районлар кенгашларининг биринчи котиблари, партия фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда «Ўзбекистон овози» ҳамда «Голос Узбекистана» газеталарига обуна тўпланишнинг борили ҳақидаги масала муҳокама этилди. Йиғилишда билдирилган қатъий ишончга кўра, **жорий йилнинг иккинчи ярми учун вилоятда «Ўзбекистон овози» рўзномасига камида 15 минг нусха, «Голос Узбекистана» ҳафтаномасига эса бир неча юз нусха обуна тўпланади.** Бу муҳим ишда ХДП ташкилотларига вилоят касаба уюшмалари ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Йиғилишда бу ёрдам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунинг билан бирга ана шу анжуманда республика Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан қабул қилган Фармонлари вилоятда қандай амалга оширилаётганлиги ҳақидаги масалага ҳам алоҳида тўхтаб ўтилди. Бу муҳим масала ХДП вилоят кенгаши ҳамда касаба уюшмалари вилоят ташкилотларининг яқинда ўтказиладиган қўшма пленумида атрофлича муҳокама қилинади.

Йиғилишни вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машарипов олиб борди ва унга якун ясади.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Шифокорларнинг касб-кор байрами — Табобат ходимлари куни арафасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашида шаҳар тиббиёт муассасаларининг вакиллари йиғилишди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби, Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Х. Абдураимов тўпланганларни, улар тимсолида шаҳарнинг барча соғлиқни сақлаш ходимларини, байрам билан қизғин қутлади. У тиббиёт ходимларига кишилар саломатлигини муҳофаза этишдек олижаноб ишда муваффақиятлар тилаб, мавжуд қийинчиликларни бартараф этишда қатъият, жасорат ва омад ёр бўлсин, деди.

Учрашувда ҳозирги машаққатли даврдан ўтиб олиш учун анчагина қизиқарли, фойдали таклифлар билдирилди. Тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, шифокорларнинг ижтимоий ва маиший муаммоларни ҳал қилиш йўллари юзасидан мулоҳазалар баён қилинди. Шу маънода Ўзбекистон ХДП партия ташкилотларининг кўпроқ ташаббускорлик, қатъият кўрсатишлари, дадил, ишчанлик билан ҳаракат қилишлари, меҳнат кишиларининг манфаатларини, улар қўлга киритган ижтимоий ғалабаларни матонат билан ҳимоя қилишлари лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

• Акс-садо

АСОСИЙ БЎҒИН

«Ўзбекистон ХДП фаолиятининг партия дастурий мақсадларидан ва республикада қарор топган ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқувчи устивор йўналишлари тўғрисида» Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расуловнинг «Ўзбекистон овози» рўзномасида эълон қилинган мактуби билан танишар экан ман, ижроия бюромизнинг яқинда ўтказилган мажлисида муҳокама қилинган масала хотирга келди.

ЎШАНДА биз бюрода Президент фармонларининг бажарилишини ташкил этишда А. Шокиров номли жамоа хўжалиги раҳбар партия аъзоларининг иштироки масаласини муҳокама қилдик. Хўжаликда олтмишдан зиёд партия аъзоси иш олиб боряпти. Улар олтита ҳудудий бошланғич ташкилотга уюшганлар. Бошланғич ташкилот котиблари кенгаши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Президент фармонларининг ижросини қатъий назорат қилмоқда.

Шундай бўлишига қарамай раҳбар ходимларнинг бу соҳада нуқсонлари ҳам йўқ эмас, албатта. Бундан бир неча ой муқаддам шу хўжаликда ўтказилган текширишда бу нарса очиқ намоён бўлган эди. Энди ижро назорати тарзида ижроия бюро масалага қайтишга қарор қилди.

Бюрода хўжалик бошқарувининг раиси партия аъзоси Қурбон Шеров ҳисобот берди. Кейинги даврда бу соҳада ўзгаришга эришилибди. Сўфикоргар, Чорук, Мучаус, Арабхона қишлоқларига табиий газ келтирилган, Денов қишлоғида сувни чучуклаштириш ускунаси ўрнатилган. Ҳар бир колхозчи оиласига ўрта ҳисобда ўттиз сотиҳдан томорқа ва уй-жой қуриш учун майдон ажратилган, колхозчиларни мол ва парранда, озуқа, озиқ-овқат маҳсулотлари, мева ва сабзавот билан таъминлаш тадбирлари кўрилмоқда. Бу эса бозор иқтисодиётига кўчиш шароитида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишга самарали таъсир кўрсатган.

Бюро мажлисида бошланғич ташкилотларнинг ҳудудий тузилиши принципига ўтиб тўғри иш тутганимизга ишонч ҳосил қилдим. Агар шундай қилинмаганда биз аҳолининг турмуш ташвишларига бунчалик яқин бўла олмас эдик. Айни маҳалда райондаги 122 та бошланғич ташкилотдан 89 таси ҳудудий ташкилотлардир.

Яқинда район кенгаши пленумида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленумининг қарорлари асосида аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя этиш бўйича район партия ташкилотларининг вазифаларини муҳокама этдик. Бу соҳада барча меҳнат жамоаларида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари бу ишларнинг бош ташаббускорлари бўлишаяпти. Чунончи, Наврўз байрами арафасида партия ташкилотининг ташаббуси билан мустақиллик, тенглик, меҳр-шафқат шиори остида умумхалқ ҳашари, радиомарафон ва ким ошди савдоси ўтказилди. Бунинг ҳисобига 100 минг сўмдан зиёд маблағ тушди. Район кенгашининг қарори билан бу маблағлар ҳисобига боқувчисиз қолган қариялар ва ногиронларга озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилинди, кам даромадли ёки бошига кулфат тушган оилаларга уй-жой шароитларини яхшилаш учун моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳнаткашларга ёрдам кўрсатишнинг бошқа манбалари ҳам излаб топилмоқда. Шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида фақат камқонлик касалига мубтало бўлган аёлларимизга 107 минг сўмликдан кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди.

Район кенгашининг пленумида биз бу соҳадаги аҳволни чуқур таҳлил қилдик. Эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмасдан меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя этишнинг янги йўллари топилиб, бу соҳада белгиланган режаларни амалга ошириш тадбирлари кўрилди.

Биз сиёсий-ижтимоий вазият ғоят тез ўзгараётган даврда яшаяпмиз. Бундай шароитда бир қолипга солинган тадбирлар билан халқ орасида обрў-эътибор қозониш қийин, албатта. Меҳнаткашлар бизлардан ҳар бир воқеа бўйича нуқтаи назаримизни аниқ баён этишимизни, ўз муносабатимизни очиқ айтишимизни талаб этишмоқда.

Шунинг учун ҳам партия Марказий Кенгаши биринчи котибининг хатида баён этилган муаммоларни ғоят ўринли деб ҳисоблайман. Дарҳақиқат, жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонун жойлардаги партия ташкилотларини ҳам бошқарув ишининг томошабинига айлантирмоқда. Маҳаллий ҳокимият тўғрисида Низом бўлса ҳам қонун йўқ. Натижада ҳокимиятда ўз аъзолари бўлган партия бошқарув ишидан четлашиб қолган ажабтовур бир вазият вужудга келаяпти.

Бундай аҳволнинг асосий сабаби жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонуннинг мукаммал эмаслигидадир. Партия қандай шароитда ҳукмрон мавқега эга бўлади ва бу ҳукмронлик давлат бошқарувига таъсир кўрсатишнинг қандай шаклларида ўз ифодасини топади? Бу масалалар ижобий ҳал этилиши лозим.

Бухоро район партия ташкилоти ва ҳокимияти ўртасида яхши ҳамкорлик вужудга келган. Кўпгина масалалар, шу жумладан кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда раҳбарият кенгаши ижроия бюроси билан бамаслаҳат иш тутади. Бироқ яхши алоқалар, ўзаро муносабатлар субъектив нарсадир. Давр ўтиши билан бунда ижобий ёки салбий ўзгаришлар бўлиши табиий. Шундай экан партия ва ҳокимият ўртасидаги ҳамкорликнинг аниқ механизми ишлаб чиқилиши лозим. Бунда республика Олий Кенгашида халқ демократчилари гуруҳи қонун ишлаб чиқишнинг ташаббускори бўлмоғи зарур.

Партиянинг ташкилий даври тугаб, амалий жўшқин фаолият босқичи бошланмоқда. Бу партиямизнинг тақдирини белгилайдиган даврдир. Демак, Марказий Кенгаш биринчи котиби хатида баён этилган таклиф ва мулоҳазаларни бутун партия қўллаб-қувватлаши, уларни ҳаётга татбиқ этиш учун кураш майдонига чиқмоғи керак.

С. ЖУРАЕВА,
ХДП Бухоро район кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон халқ нонби.

• БУГУН—ТАБОБАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

«...ЭНГ ОЛИЖАНОБ САНЪАТ»

Минг хил касаллик бор, аммо соғлиқ биттагинадир.

Л. БЕРНЕ.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ қоқ маразида жойлашган 8-дорихона ва унинг қошидаги «Шифобахш гиёҳлар шарбати» маскани ҳамма вақт мижозлар билан гавжум. Кимдир ўз соғлиғини мустаҳкамлаш ниятида шу ерда тайёрланган турли шарбатлардан истеъмол қилади. Бошқа бири янги чиққан дори-дармонларни харид қилишга ошиқади. Дорихона хизматчиларининг қўли-қўлига тегмайди. Ҳар бири саммий, очиққўнгил, ширинсўз... Айтилган дори-дармонни, шифобахш гиёҳларни ўз вақтида топишга ёрдамлашади. Мен шу ерда «Ибн Сино» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси бош директори, фармацевтика фанлари номзоди Эркин Жўраев билан суҳбатлашиб, фирма фаолияти билан танишар эканман, беихтиёр Гиппократнинг «Табобат ҳамма санъатлар ичида энг олижаноб санъатдир» деган сўзларини эсладим.

Ўтган йилнинг куз ойи эди. Шифобахш гиёҳлар етиштиришга мўлжалланган давлат хўжалиги бир неча йиллар мобайнида ўзини-ўзи қопламай келарди. Эркин Жўраев хўжаликни фирма ихтиёрига олиб, уни қолоқликдан чиқаришга бел боғлади. Бироқ айрим одамлар бунга ишонмадилар «натижа чиқмайди» дейишди. Лекин фирма бош директори ўз сўзида маҳкам туриб олди.

Ниҳоят, хўжалик фирма ихтиёрига ўтказилди.

Хўжалик ерларидан баъзи одамлар уй-жой қуриб олишган. Хуллас, эллик-олтмиш гектар ердан йиғирма гектар майдон доривор гиёҳлар экиш учун қолган. Эрта кузда ерлар текисланди. Ниҳоят, ўн хил доривор гиёҳ уруғлари сепилди. Тез орада тирноқгул, мойчечак, арслон қуйруқ, маврак, жағ-жағ, тоғ райҳони униб чиқди. Бугунги кунда сап-сариқ очилиб ётган тирноқгул киши ҳавасини келтиради. Ҳозирнинг ўзидаёқ беш тонна арслон қуйруқ ўриб олинди. Биринчи бор тирноқ гулдан бир тонна-дан ортиқ ҳосил етиштирилди.

Маккайи сано шу кунгача фақат хориждан келтириларди. Бу ҳам хўжалик майдонида синаб кўрилди. Хўжалик аъзолари ундан ҳам яхши ҳосил олишни кўзлашяпти. Бугунги кунда хўжаликда етиштирилаётган ҳосил қайта ишланиб, шу ернинг ўзида қадоқланяпти. Гален цехи ташкил қилинаётир. Ҳозирги пайтда доривор ўсимликларни қайта ишлайдиган еттисаккиз хил аппарат ўрнатилди. Эндиликда фирма хизматчилари доривор гиёҳлардан ўй шароитида қайнатма ва дамламалар тайёрлаб, истеъмол қилиш учун халқимизга етказиб бера бошладилар. Масалан, ошқозон-ичак хасталигига ишлатиладиган гиёҳлар йиғмаси, зиқнафас хасталигини даволовчи йиғма чой, ўт ҳайдовчи, пешоб ҳайдовчи гиёҳлар йиғмалари дорихоналарга тарқатиляпти.

Шу сония Эркин ака халқ табобатида кенг қўлланиладиган исириқ қаламчасидан бирини олиб тутатди. Хонани гиёҳнинг хушбўй ҳиди қоплади.

— Бу давлат стандарти ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиғидан ўтган, — деди Эркин Назарович. — Исириқ қайнатмаси бод, безгак, тутқаноқ, уйқусизлик, шамоллаш, оғриқ қолдирувчи сифатида қўлланилади. Бундан ташқари, тери касалликларини даволашда, уруғидан тайёрланган қайнатма эса зиғир уруғи қайнатмаси билан биргаликда нафас қисиши касаллигини даволашда ишлатилади.

Грипп касаллиги авж олган пайтларда исириқ тутуни билан хоналарни юқумсизлантириш яхши натижа беради. Ундан тайёрланган қаламча тутатилганда бир дақиқа мобайнида ҳиди таралиб туради.

Қисқа вақт ичида фирма муайян ишларни амалга оширди. Масалан, аҳолини доривор гиёҳлар билан таъминлашга янада катта эътибор берила бошланди. Натижада 50 тоннадан ортиқ доривор ўсимлик қайта ишланиб, қадоқланди, дорихоналарга чиқарилди. Бу миқдор ўтган йилнинг шу давридагидан беш-олти баравар ортиқдир.

Фирма хориждаги дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатмоқда. Америка Қўшма Штатларининг «Корнелиус» фирмаси билан қўшма корхона ташкил этишга киришилди. Шу йилнинг охиригача 30 турга яқин, жумладан, баралгин, анальгин, юрактомир, қанд хасталиклари, пешоб йўлларига ишлатиладиган ноёб дори-дармон аҳолига етказиб берилади. Шу мақсадда хорижий дастгоҳлар ўрнатиляпти ва хом ашёлар ҳам олиб келинади.

Худди шундай корхона Ҳиндистоннинг «Торент» фирмаси билан ҳам фаолият кўрсатиш арафасида. Бу фирма билан ҳамкорликда йил охиригача 50 турдаги турли дори-дармон ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Фирма мутахассислари томонидан яратилган технология туфайли Янгийўлдаги биокимё заводи билан ҳамкорликда ўн турдаги турли настойкалар ишлаб чиқарилади. Фирма хизматчилари доривор гиёҳларни қўпайтириш мақсадида республикадаги колхоз, совхозлар билан 8 миллион сўмлик шартнома туздилар. Фирма ташаббуси билан мева, табиий ўтлар ҳақидаги рисолалар кўп минг нусхада чоп этиляпти. Шу кунгача 13 та, жумладан, «Анорнинг минг бир давоси», «Ёнғоқли туркона дорилар», «Тут—даво», «Қийиқўт — даво», «Исириқнинг хосияти» сингари рисолалар мухлислар эътиборини тортди. Бунда тиббиёт фанлари доктори, профессор Наби Мажидов, фармацевтика фанлари номзоди, олий даражадаги доришунос Эркин Жўраев, доришунос, катта илмий ходим Маннон Набиевларнинг ҳиссаси катта.

— Халқимиз бу рисолаларни қувонч билан қарши олишяпти, — дейди Эркин Жўраев. — Буни республикамизнинг турли бурчакларидан келаётган миннатдорчилик мактубларидан ҳам билиш мумкин. Биз 32 та яна шундай рисолани чоп этмоқчимиз. Уларнинг кўплари ёзиб бўлинган. Ўйлаймизки, ҳар бир рисола кўпчиликка маъқул келади.

Ўзбекистон халқ академияси томонидан тайёрланаётган бу рисолаларнинг яна бир хусусияти шундаки, унда мева ва шифобахш гиёҳларнинг таркиби, халқ табобатида қўлланиш, ўй шароитида дамлама тайёрлаш бўйича йўл-йўриқлари ҳам ўрин олган. Бу, шубҳасиз, ҳар бир беморнинг дарддан тезроқ фориғ бўлишига ёрдам беради.

Шу билан бирга уй шароитида доривор ўтлардан қайнатма ва дамламалар тайёрлаш мақсадида «Шифобахш гиёҳ-шарбатлар» деб номланган 15 босма тобоқдан иборат монография нашр этилиш арафасида турибди.

Мен Эркин Жўраевдан фирма муаммолари хусусида сўрадим.

— Биласизми, бугунги кунда қирққа яқин шифобахш гиёҳ шарбатхоналари ишлаб турибди. Биз уларнинг ҳар бирини етарли гиёҳлар билан таъминлаяпмиз. Албатта бу ишлар республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қўллаб-қувватлаши натижасида амалга ошириляпти.

Фирма хизматчиларининг келажакдаги орзулари халқимизга шифобахш гиёҳлардан мумкин даражада кўпроқ дори-дармонлар тайёрлаб бериш, мумкин қадар дори тақчиллигини камайтириш, уларнинг янги-янги турларини яратиш, замонавий корхоналар қуришдан иборат.

Демак, «Ибн Сино» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси оёққа туряпти. Бунинг учун унга катта мадад даркор. Ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кенг қанот ёзиши учун етарли, шарт-шароит, имкониятлар яратиш зарур.

М. ПИРМАТОВ,

Суратда: «Ибн Сино» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси маҳсулотларидан айримларини кўриб турибсиз.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

• Ҳаракатда—баракат

Муҳарририятга тушган хатда жумладан, шундай сўзлар ёзилганди:

«Директоримиз халқ ҳақида ўйламайди. Одамлар билан ҳисоблашмай, ўзбошимчалик қилади. Масалан, ўтган йили 224 минг сўмлик техника олиш ўрнига 900 минг сўмликка яқин техника сотиб олди. Россиядан бирварақайига 6 тонна мих олиб келди. Бошқа камчиликлари ҳам анчагина. Меҳнаткашлар маблағини ўйламай-нетмай совураётган раҳбарларни текшириб, бир фельетон қилсангиз.

Меҳнаткашлар номидан А. СОИПОВ».

УЗОҚНИ КЎРА БИЛИШ

ЕКИ ИМЗОСИЗ ХАТДА ЁЗИЛГАНЛАРНИНГ АКСИ ҲАҚИДА

ШИКОЯТ юзасидан, Сирдарё вилоятида бўлдик. Комсомол районидаги «Зомин» давлат хўжалиги марказида директорга йўлиқишдан олдин дуч келган одамлар билан суҳбатлашдик. Бирорта киши А. Соиповни эслолмади. Лекин хўжалик раҳбари Ҳамдам Бойзоқовни жуда яхши билишлигини, иккиикки ярим йил олдин директор бўлиб тайинланган бўлса-да, анча эсда қоларли ишлар қилганлигини айтишди.

Директор ҳузуридамиз. Сувоқлари тушиб кетган хона. Иккита стол ва бир нечта стул, телефон аппаратидан бошқа жиҳоз йўқ.

— Бу ерга яқинда кўчиб ўтдик. Шу пайтгача мактаб биноси эди. Ўқувчиларга янги бино қуриб бердик. Ўзимиз эса бу ерга жойлашдик.

— Илгариги идора яхши эмасмиди?

— Яхши бўлганда қандоқ. Лекини ҳам бор. Ўзингиз яхши биласиз идора бўлгандан кейин тез-тез йиғилишлар, маслаҳатлашувлар бўлиб туради. Бирор ҳужжатга қўл қўйдириш, муаммони ҳал қилиш, дардини айтиш учун ҳам одамлар идорага келишади. Бироқ илгариги бино совхоз марказида эмас, чеккада жойлашганди.

Шунинг учун ҳам кўпчилик ишини битказиш учун хўжаликнинг у чеккасидан-бу чеккасига боргунича қанчадан-қанча қимматли вақтини йўқотарди. Шуни назарда тутиб идора ходимларига қийин бўлса ҳам одамларга осон бўлсин, деб шу ерга кўчиб келдик.

— Кўпчилик билан ҳисоблашмай хўжалик ҳисобидан мўлжалдагидан зиёд нарсалар сотиб олармишсиз?

— Э, гап бу ёқда денг. Шикоятни текширгани келибсиз-да! Директор икки қўлини чаккасига тираб бир зум ерга қараб турди-да, шахт ўрнидан турди.

— Баъзиларга ҳайронман. Айбинг бор. Мана шу, шуларни нотўғри қиляпсан, деб айта қолишса бўлмайдими. Ҳаммамиз ҳам фаришта эмасмиз. Аммо хатоларни биргаликда тугатиш, баҳамжиҳат ҳал қилган қандай яхши. Аризалар ёзишдан кўра фойдали иш қилишса бўлмасмикан. Бу ёқда қанча текширувчилар овора. Шикоят тасдиқланмаса ҳам асаблар қақшайди. Бир неча кун ўзингга келмай юрасан.

Ўзингиз кўриб турибсиз. Техниканинг нархи ҳозир осмонга чиқиб кетган. Бундан бир-бир ярим йил олдингига қараганда ўн, ўн беш, ҳатто йигирма баробар ортиғига олишга мажбур бўлишяпти деҳқонлар. Очиғи, бизнинг чўл шароитида техника ва минерал ўғитсиз иш битмайди .Керак бўлгач олишга мажбурмиз.

Биз илгарироқ шундай бўлишини сезгандик. У бир неча ҳужжатни олдимизга қўйди.

Маълумотларнинг кўрсатишича, хўжалик ўтган йили режада белгиланган 224 минг сўмлик ўрнига 864 минг сўмлик трактор ва бошқа техника сотиб олган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозир уларнинг нархи 10 миллиондан ортиқ турармиш...

Энди мих масаласига келсак. Ҳақиқатан Россиядан мол мол айирбошлаш эвазига 6 тонна мих олинган. Ҳар бир килограмми 2 сўм 40 тийиндан тушган. Ҳозир бир килосининг баҳоси 40—50 сўмга кўтарилиб кетган. Шу арзимаган нарса зарур бўлганда топилса қолса қанийди! Мих йўқлиги учун одамлар сарсон, қурилишлар орқага сурилиб кетяпти. Масалага шу нуқтаи назардан қарасак, менимча, бу ишлар «ўзбошимчалик», меҳнаткашлар маблағини ўйламай «совуриш» эмас, тадбиркорлик, келажакни, узоқни кўра билишдир.

Хўжаликда бўлиб мутахассислар, оддий деҳқонлар билан суҳбатлашганимизда Ҳамдам Бойзоқов бошчилигида анчагина хайрли ишлар қилинаётганининг гувоҳи бўлдик.

Ҳозир собиқ иттифоқнинг парчаланиб кетиши, иқтисодий муносабатларга ҳам катта зарар етказди. Марказлашган тартибда мол жўнатиш, мол олиш энди йўқ. Қўлдан берганга қуш тўймайди, деганларидек ҳозир раҳбар идораларга кўз тутиш билан иш битмайди.

Аксинча, имконият қидириб топиб югураётганларнинг ишиғи олчи. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, Сирдарё вилоятида аввал бошдан пахта яккаҳокимлигига зўр берилганлиги туфайли ҳам ҳосил етиштиришда минерал ўғитлар асосий роль ўйнади. Бироқ ҳозир уларнинг нархи осмонга чиқиб кетди.

Шуни ҳисобга олган зоминликлар декабрь—январь ойларида, яъни нарх-наво ошмасдан олдин бу йилга етадиган ўғитни олиб қўйишганди. Биргина шунинг ҳисобига хўжалик бир миллион сўмни тежаб қўйибди. Кўплаб жамоалар ўғит излаб сарсон бўлаётган ҳозирги шароитда «Зомин» давлат хўжалиги пахтакорлари омборлардаги минерал ўғитдан файдаланиб, ғўзаларнинг баравж ўсишини таъминлашмоқда.

Хўжаликда етиштирилган сабзавот ва полиз маҳсулотлари бартер усулида Россия аҳолисига жўнатилиб, у ердан ёғоч-тахта келтирилди. Шу йўл билан 70 минг сўм даромад олинди.

— Ҳар куни кечқурун амалга оширган ишларимни ҳаёлан таҳлил қиламан, — дея сўзини давом этди Ҳамдам Бойзоқов. — Агар одамлар учун бирор фойдали иш қилган бўлсам тинч ухлайман. Мақсадим менга ишонч билдирган меҳнаткашнинг турмуши бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ бўлса...

Дарҳақиқат, директор айтган гаплар қизил сўзлар, ҳавойи фикрлар эмас. Уларнинг ортида аниқ ишлар ётибди. Ўтган йил якунида ҳар бир ишловчига 200 килограммдан буғдой берилди. Одамлар келтирилган қурилиш материалларидан олдилар.

Аҳолига 1200 тонна емҳашак берилди. Емиш етарли бўлгач, одамлар қўлидаги мол, қўй-эчки тобора кўпайиб бормоқда. Ишловчилар навбати билан томорқа ерлар олишяпти.

Ғамхўрликни амалда сезган жамоа аҳли ҳам ўз навбатида унумли ишлашга ҳаракат қилмоқда. Пиллакорлар сўзларининг устидан чиқдилар .Давлатга мўлжалдагидан анча зиёд — 5,5 тонна «кумуш тола» етказиб берилди.

Ҳозир, айниқса, пахтазорда иш қизғин. Пахтакорлар баҳорги ноқулайликлар оқибатида ўсишдан орқада қолган ғўзалар ривожини тезлатиш пайидан бўлишяпти. Холмурод Хушимов, Юсуф Абжалилов, Эргаш Мавлоновлар етакчилик қилаётган бўлимлар, Карим Умматқулов, Абдулла Ҳайдарқуловлар бошлиқ бригадаларда экинлар, айниқса, яхши ўсяпти. Беда, маккажўхори, арпа, сабзавот, мева, полиз экинларининг ривожи ҳам яхши.

«Зомин» давлат хўжалиги миришкорлари бу йилги ёғингарчиликдан оқилона фойдаланишди. Вақтида минерал ўғитлар билан озиқлантириб турилган ғалла экинлари баҳор ёмғиридан баҳра олиб, серҳосил бўлиб етилди.

Айни кунларда ғаллани ўриб олиш бошлаб юборилди. Механизаторларнинг маҳорати, техника шарофати туфайли дастлабки кунларданоқ юқори унумдорлик таъминланаётир. Бунда ўтган йили сотиб олинган техника воситалари катта иш беряпти. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда ҳар гектар ер ҳисобига 85—40 центнердан сара дон йиғиб олинмоқда.

Демак, хўжалик жамоаси миришкорлари барча соҳалар бўйича ўз зиммаларига олган режаларини албатта адо этадилар. Булар истиқболни кўра билиш эканлигини биз хўжаликдан қайтаётганимизда яққол ҳис қилдик.

К. РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ОЛМАЛИҚ ФОСФОГИПСИ ЛИТВАГА ЖЎНАТИЛАДИ

● Олмалиқ химия заводида фосфогипсни қайта ишлаш муаммосини ҳал этишда гапдан ишга ўтилди. Бу ерда ишлаб чиқариш чиқитлари ҳисобланган фосфогипс минглаб тонна тўпланиб қолган.

Химиклар бу муаммони ҳал этиш учун ўзига хос танлов эълон қилдилар. Бу танловда МДҲ мамлакатлари ҳамда Болтиқбўйи давлатлари мутахассислари иштирок этдилар. Ана шу рақобат натижаларига кўра, Болтиқбўйидаги архитектура ва қурилиш институти таклифлари мақбул деб топилди. Технология тажрибаси ўтказиш учун Литвага фосфогипс ва бошқа моддалар жўнатилди.

Ҳамкорликнинг иккинчи босқичи режалаштирилмоқда, унда Олмалиқ заводида тажриба-саноат қурилмаси лойиҳалаштирилади ва қурилади.

Бу шартнома корхонада кам чиқитли ва чиқитсиз технологиялардан фойдаланиш ишларини давом эттиради. Заводда сувдан такрор-такрор фойдаланиладиган усул жорий этилган, бу эса булғанган оқаваларни сув ҳавзаларига чиқариб юборишни, артезиан сувидан фойдаланишни кескин камайтириш имконини берди. Фосфорит чангини ушлаб қолишга доир чоралар ҳам кўрилмоқда.

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

● Гурландаги «Бўстон» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси Истанбулдаги «Огуз диш тижорат» фирмаси билан шим тикиб чиқарадиган қўшма корхона барпо этиш тўғрисида келишиб олдилар.

Гурлан район марказида Ўзбекистон—Туркия тикувчилик фабрикаси қурилиши бошланди.

Бу фабрика биздаги тор доирада ихтисослашган корхоналардан фарқли равишда реклама-намойиш ишлари, маркетинг тадқиқотлари билан шуғулланади, воситачилик хизматларини бажаради. Янги қўшма корхона фақат Ўзбекистонда эмас, ундан ташқарида ҳам ўз бўлимларини барпо этиш ниятидадир.

Янги тикувчилик фабрикасида иш бошлангунга қадар маҳаллий ёшлар Туркия ва Германиядаги турдош корхоналарда таълим олишлари режалаштирилмоқда.

(ЎзА мухбири).

Тошкент шаҳрида ўтган йили кўплаб янги тиббиёт масканлари фойдаланишга топширилди. «Тез ёрдам» станцияларининг иши такомиллаштирилди.

Шаҳардаги болалар учун ташҳис қўйиш ва маслаҳат ёрдам берувчи марказ энг замонавий даволаш муассасаларидан бирига айланди. Марказ икки сменада ишламоқда. Ҳар куни 1000 нафар беморга ёрдам кўрсатмоқда.

Яқинда шаҳар «Саломатлик» марказ янги бинога кўчиб ўтди. Бу ерда беморларга самарали тиббиёт ёрдам кўрсатиш учун барча қулайликлар мавжуд, у энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

СУРАТЛАРДА: «Саломатлик» марказининг янги биноси очилиши маросимида; марказнинг микрохирургик операция хонаси тасвирланган.

А. КУДРЯШОВ олган суратлар.

«ҚАДРИЯТ»НИНГ УЧИНЧИ СОНИ

Ўзбекистон халқ академиясининг нашри бўлмиш «ҚАДИРЯТ» газетасининг учинчи сони босмадан чиқди.

Ҳар бир нашр ўзига мухлис излайди, йўлдош қидиради. «Қадрият» ҳам ана шу йўлдан бораяпти. Мухлис, муштарийларини хурсанд этиш учун, уларнинг кўнглидаги гапларини топиб айтиш учун изланаяпти, ҳаракат қиляпти. Мазкур сондаги «Амир Темур олдида бурчлимиз», Шаҳрисабзда бўлиб ўтган анжуман қатнашчиларининг Мурожаатини, Тўлқин Ҳайитнинг «Аёли яхши эркак қаримайди», Ўзбекистон Фанлар академияси ва Туркия жумҳурияти Турк тили қурими мухбир аъзоси, профессор Ғани Абдураҳмоновнинг «Ташвиш ва умид», Паҳлавон Содиқнинг «Хорунар Рашиднинг чўриси» мақолаларини, шунингдек, қадр-қиймат, меҳр-муҳаббат ҳақидаги халқ дурдоналарини, донолар маслаҳатларини бефарқ ўқиш мумкин эмас.

Ш. Бобохонов ва Н. Жабборовлар томонидан нашрга тайёрланган бобомиз Аҳмад Яссавийнинг нодир ҳикматлари ҳам газетадан ўрин олган.

Олимлар барча илмин
молга соттн,
Билиб, кўруб ўзларини
ўққа отти,
Ўзи амал қилмай халққа
илм ўргатти,
Дунё учун динларини
соттн, кўрунг.

Бундан етти-саккиз аср олдин битилган ушбу тўртлик бизнинг кечаги кунимиздан огоҳ этиб турганга ўхшайди.

Хуллас, газетанинг янги сони билан танишган ҳар бир муштарий оз бўлса-да, маънавий қониқиш ҳосил қилиши аниқ.

Газета матбуот тарқатиш дўконларида сотилмоқда.

22, душанба

ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Давлатманд Садко», «Болтадан бўтқа». Мультфильмлар. 18.40 Тижорат канали: «Эллиққалъа пахта заводи». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Деҳқон юмушлари». 19.45 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров куйлайди. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат ҳабарлари. 21.00 ЎзТВ фондидан. Ўктам Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 1-қисм. 22.25 «Турналар учмоқда». Бадиий фильм.

ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум» (такрор). 20.00 «Лаҳза». 20.10 ИИБ хабар қилади. 20.25 «Билиб қўйган яхши». 20.40 «Миришкорлар». 20.55 «Лаҳза». 21.05 «Ўзингни эр билсанг...». 21.50 «Виждон азоби». Бадиий фильм.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 «Якунлар». 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Кўзача». Мультфильм. 8.30 Ҳужжатли фильм. 9.00 Футбол. Европа чемпионати. Ярим финал. 11.00 Янгиликлар.

13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Ҳордиқ чиқаринг». 14.40 «Абадий 19 ёш». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 15.50 «Кўп овоз — дунё битта». Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. 15.55 Мультфильмлар. 16.20 «Нижний Тагилда болалар байрами».

17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «НЭП». 17.55 П. И. Чайковский номли 1 халқаро ўсмирлар танловининг кундалиги. 18.20 «Авиакосмик салон». 18.35 «Туманда». Телевизион бадиий фильм премьераси. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 «Спорт студия» таништиради: «Вазият». 20.35 Урушни биз билмаганмиз. 20.55 «Янги студия» таништиради: «Вазият». 21.30 Футбол шарҳи. 22.00 Янгиликлар. 22.35 Кўрсатувлар тартиби. 22.40 Ю. Бешмет ижро этади. 23.00 Футбол. Европа чемпионати. Ярим финал.

23, сешанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Футбол. Ўйингоҳлардан дараклар. 7.30 «Йўлбарс керак». Болалар учун бадиий фильм. 8.40 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 9.10 «Ўрмонзор бағрида». «Оқ тулпор». Телефильмлар.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Нурланнинг бахти». Мультфильм. 18.20 «Иш билганга минг танга». 18.55 Спортлото. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Мулоҳаза». Адабий кўрсатув. 20.10 «Пахтакорларнинг долзарб вазифалари». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Ҳукумат тадбирлари». 21.30 «Анъаналар этади давом». Мусиқий кўрсатув. 22.20 ЎзТВ фондидан. Ўктам Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 2-қисм. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

10.30 Пўлат Маҳсум. «Нур». Теленовелла. 11.10 «Ҳошим қандай қилиб катта бўлганлиги ҳақида». Бадиий фильм. 12.15 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Чи-сен». (корейс тилида).

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Субҳидам». 19.30 «Табассум». 20.00 «Дилга илиқлик бахш этувчи хонадон». 20.25 «Кинокўзгуда — ҳаёт». 21.25 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 22.45 Эълонлар. Кинонигоҳ.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 6.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар.8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Бадиий фильм премьераси (Мексика). 9.05 «Ёвакша». Мультфильм. 9.25 «Тарих босқичлари» рукни остида. «Унутилган худо. Купала». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.55 «Туманда». Телевизион бадиий фильм. 11.00 Янгиликлар.

13.20 Кўрсатувлар тартиби. 13.25 «Адам Смит бойлиги» Ёшлигимизда ҳавас қилган спортчилар». Лев Яшин. 14.50 «Абадий 19 ёш». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 16.15 «Болалар мусиқий клуби».

17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Сиёсат» студияси кўрсатади. 17.55 «Авиакосмик салон». 18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Бадиий фильм премьераси (Мексика). 19.00 «Мавзу». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 «КТВ-1» ҳамда Франс интернациональ» «Виржинанинг 400 нағмалари». 1-серия. 21.20 «Максима». 21.50 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатув. 22.10 «Беш халқа». 22.40 «Кечки альбом».

23.40 «Бир боқишда муҳаббат». Биринчи кун. 00.20 «Абадий 19 ёш». Телевизион бадиий фильм. 1-2 сериялар.

24, чоршанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Зоолог нигоҳи билан». Телефильм. 7.45 «Муҳаббат можароси». Бадиий фильм. 9.05 «Биргаликда куйлаймиз». 9.35 Араб тили.

17.50 Янгиликлар. 18.00 Футбол. Ўзбекистон миллий чемпионати. Олий лига. «Пахтакор-79» — «Сўғдиёна» (Жиззах). 19.50 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 20.10 «Ғиждак тароналари». Улмас Расулов. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Ўзбектелефильм» таништиради. «Гулобод ва Хон Феруз». 22.30 ЎзТВ фондидан. Ўктам Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 3-қисм. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

10.30 «Булутлар ортидаги дўзах». Телефильм. 11.00 Хор куйларидан концерт. 11.30 «Болалик станциясидан чиққан поезд». Бадиий фильм. 1-серия.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.40 «Ижодхона». Қ. Дўстмуҳамедова. 20.35 «Супер спорт». 21.15 «Ёр-ёр». Бадиий фильм.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Мексика). 9.50 Мультфильмлар. 10.20 «Қишлоқи». Ҳужжатли фильм.

13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Учта номаълум шарт». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. («Белорусфильм»). 15.30 «Рок Макс». 16.30 Мультфильмлар. 16.40 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танловининг кундалиги. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Сиёсат» студияси таништиради. 18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Мексика). 18.45 «Мен бахтли одам эдим». А. Д. Попов. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «КТВ-1 ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. 21.20 «Тасвирдаги сурат». Ж. Желев. 22.00 «Фермер-92». Халқаро фестивали. 22.50 «Кичкинтой». Ҳужжатли фильм.

23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Бир боқишда муҳаббат». Иккинчи кун. 00.20 «Кўп мусиқа».

25, пайшанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Футбол. Ўйингоҳлардан дараклар. 7.30 «Дастлабки тергов». Бадиий фильм. 9.00 Турк тили. 9.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Адабий композиция.

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.25 «Алифбо сабоқлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Тижорат канали: «Кичик корхонанинг катта ишлари». 19.40 «Адолат». Ҳуқуқий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Ҳукумат тадбирлари». 21.30 Ўктам Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 4-қисм. 22.40 «Одамлар орасидаги бўри боласи». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

10.30 «Дўстлик» студияси кўрсатади. 12.10 «Болалик станциясидан чиққан поезд». Бадиий фильм. 2-серия.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Болаларни оромгоҳлар кутади». 19.00 «Суҳбатга чорлаймиз». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви. 21.40 «Пульс». Хабарлар. 21.50 Эълонлар. Кинонигоҳ.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Мексика). 9.50 Мультфильмлар. 10.30 «Табиат шайдолари». Ҳужжатли фильм.

13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Учта номаълум шарт». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.25 «Бугун ва ўша пайтларда». 15.55 Болалар учун фильм. «Гепард қайтмоқда».

17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Бу бўлган, бўлганди...» 17.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Мексика). 19.05 «Телескоп». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 «SOS». Болалар уйидаги вазият ҳақида. 20.45 Кўрсатувлар тартиби. 20.50 «КТВ-1» ҳамда Франс интернасиональ» канали таништиради. 21.45 Катталар учун мультфильм. 22.00 «Ойнаи жаҳонда мусиқа». 00.35 «Санъат оламида» ҳужжатли фильм премьераси.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

22 – 28 июнь

26, жума

ЎзТВ I.

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Телефильмлар. 7.55 «Дельфин нидоси». Бадиий фильм. 9.30 «Қўшиғим, жон қўшиғим». 10.30 «Мозийнома».

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 «Чорраҳа». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Аёл ҳақида сўз». 20.00 «Ишбилармон кишилар». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Мақом тарихидан». Мискин ва Бузрук. 2-кўрсатув. 22.00 «Гурия». Бадиий фильм.

«ОРБИТА-IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Мексика). 9.05 «Лимпопо». 9.35 Мультфильмлар. 10.05 «Мусиқанинг яратилиши». Ҳужжатли фильм. 10.35 «Ер ости ва космик йўл чорраҳаларида». 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).

13.10 Кўрсатувлар тартиби. 13.15 «Бридж». 13.40 «Бизнес-класс». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Гамма» куйлайди. Днепропетровскдан кўрсатув. 14.35 «Маёқ шуъласи». Телевизион бадиий фильм («Туркманфильм»). 15.40 Мультфильмлар. 16.05 «Юниор банк».

17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танловининг кундалиги. 17.45 «Инсон ва қонун». 18.15 «Леннебергдик Эмиль». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 11-серия (Швеция). 18.40 «ТВ-Нева». «Ким биз билан?». 19.00 «ОКО» студияси таништиради. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 Концерт. 20.40 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони», «Ҳордиқ чиқаринг», «Хит конвейер». Танаффус пайтида — 23.00 Янгиликлар. 00.50 «Тонг юлдузи». Тунги эфирда. 01.30 «Маёқ шуъласи». Телевизион бадиий фильм. («Туркманфильм»).

27, шанба

ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Ҳаётий воқеа». Бадиий фильм. 9.30 «Кичкина деманг бизни». Спорт кўрсатуви. 10.00 «Баҳористон истиқлол йўлида». 10.25 «Биз — Ўзбекистон болаларимиз». Жумҳурият ўқувчилар саройи бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концерти. 11.10 «Давр садоси». Олтинкўл районидан кўрсатув. 11.40 «Саҳоқат». Видеофильм. 12.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Менинг маҳаллам». 13.20 Вилоят театрларида. Огаҳий номидаги Хоразм театри.

ЎзТВ II

Тижорат канали:
14.10 «Илғор тажриба мактаби». 14.40 «Етти юлдуз».

18.00 «Балиқ тилга кирди», «Нима бўпти» лақабли бегемот ҳақида». Мультфильмлар. 18.20 Футбол майдонларида. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Тижорат канали: «Ёғ-мой саноати: режа ва истиқбол». 19.50 «Бевосита мулоқот». «Меҳнаткашлар манфаати йўлида». 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Мусиқа жавони». 22.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта «Темир эркак». Бадиий фильм.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.40 Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.30 Футбол. Европа чемпионати. Финал. 9.00 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви. 9.30 «Бумеранг». 10.00 «Марказ». 10.40 «Мусиқий дўкон». 11.10 «Инсон билимгоҳи». 11.50 Гармончи М. Максимов ва «Уральская вечора» ансамблининг қатнашчилари билан учрашув. 12.20 Мультфильм. 12.30 «Немислар иккинчи жаҳон урушида». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм. «Шарқда уруш».

14.00 Янгиликлар. 12.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «ЭХ». Экологик хроника. 14.40 «Диққат: ўнинчи ёшлик». 15.00 «Зазеркалье». «Қувноқ сехргарлик» (М. Горький номли киностудия). 16.14 «Қизил квадрат». 16.55 «Афғонистонерида яратилган қўшиқлар». 17.55 «Майя ариси». Кўп сериали мультфильм премьераси. 18.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Оилавий ҳаёт». Бадиий фильм. (Польша). 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж». 20.40 «Оперетта оперетта...». 21.35 «Матолар оламида». 22.00 «Театр учрашувлари». 23.35 «Европа плюс». — 23.00 Янгиликлар. 00.35 «Гўзал қизлар, ёки Бангкокка йўл». «Мисс Вселенная» регионал кўриги совринни учун. 01.15 Волейбол. Жаҳон биринчилиги лигаси Эркаклар. Ярим финал. 02.15 «Вена экспресс». Телевизион бадиий фильм (Венгрия).

28, якшанба

ЎзТВ I.

7.00 «Субҳидам».
8.00 «Экран зийнати». Кинокўрсатув. 9.30 «Ўзбекистон спорти». Миллий кураш бўйича халқаро мусобақалар. 10.10 «Ёрилтош». Болалар учун кўрсатув. 12.30 «Меҳр чашмаси». 11.10 «Иқбол». Самарқанд қизлари баҳси. 13.00 «Халқ севган достонлар». Ҳуррам Эшбўриев ижросида «Кунтуғмиш». 13.50 «Орзулар камалаги». Бадиий фильм. 15.00 «Эл хизматида». Адабий кўрсатув.

ЎзТВ II

17.05 Футбол. Осиё халқаро турнири. Ўзбекистон — Туркманистон терма жамоалари. «Пахтакор» марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида «Наштар» ҳажвий киножурнал. 19.20 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.40 «Мультипанорама». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Марҳабо, талантлар». Жумҳурият бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Қашқадарё вилояти. 22.50 «Телевизорни ўчиришни унутманг!». Бадиий фильм. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

«ОРБИТА-IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.20 «Руҳни чиниқтириш». 6.20 Кўрсатувлар тартиби. 6.25 Ритмик гимнастика. 6.55 Янгиликлар. 7.30 «Спортлото» тиражи. 7.40 «Эрта саҳарлаб». 8.20 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 8.50 «Янги номлар». 9.40 «Пи» белгиси билан. 10.30 «Камалак». Халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. 11.10 «Хит-Топ-Шоу 50х50». 12.30 «КТВ-I» ҳамда Франс интернасиональ» канали таништиради»: «Ёввойи табиат қўриқхоналари» туркумидан телефильм премьераси. 5-фильм. 13.00 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фильм. 13.30 «Сенинг кўз ёшларинг». Мультфильм. 13.40 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танловининг кундалиги.

14.00 Янгиликлар. 14.15 Кўрсатувлар тартиби. 14.20 «Уолт Дисней таништиради...». 15.10 «Нима? Қаерда? Қачон?» 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 17.40 Кўрсатувлар тартиби.

17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.00 «Кўп овоз — дунё битта». Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Шелли Хиггинз» (Ямайка). 18.10 «Саёҳатчилар клуби». 19.00 Якшанба кинокўрсатуви. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Рицарь қулфи». Бадиий фильм.

21.00 «Якунлар». 21.45 «Телелоция». 22.00 Диний кўрсатув. 23.20 «Парадиз-коктейль». 00.30 Волейбол.

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг

ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

1992—1993 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН КУНДУЗГИ БЎЛИМГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАР БЎЙИЧА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Математика, амалий математика, механика, физика, астрономия, кимё, биология, жўғрофия, қуруқликлар гидрологияси, фалсафа, социология, руҳшунослик, тарих, журналистика, рус тили ва адабиёти, миллий мактабда рус тили ва адабиёт, ўзбек тили ва адабиёти, турк тили ва адабиёти, филология (инглиз, немис, француз), сиёсий иқтисод, иқтисод ва ишлаб чиқаришни бошқариш, халқаро иқтисодий муносабатлар, геологияда қидирув ва разведка, геохимия, гидрогеология, экология, агрохимия ва тупроқшунослик, геофизика.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар мутахассислик бўйича қуйидаги фанлардан

КИРИШ ИМТИҲОНИ ТОПШИРАДИЛАР:

МАТЕМАТИКА, АМАЛИЙ МАТЕМАТИКА, МЕХАНИКА — математика (ёзма, оғзаки), физика (оғзаки), ўзбек (рус) тили (диктант).

ФИЗИКА, АСТРОНОМИЯ — физика (ёзма, оғзаки), математика (ёзма), ўзбек (рус) тили (диктант).

КИМЁ — кимё (оғзаки), математика (ёзма), ўзбек (рус) тили (диктант).

БИОЛОГИЯ — биология (ёзма), кимё (оғзаки), математика (ёзма), ўзбек (рус) тили (диктант).

ЖЎҒРОФИЯ — жўғрофия (ёзма), математика (ёзма), ўзбек (рус) тили (диктант).

ҚУРУҚЛИКЛАР ГИДРОЛОГИЯСИ — математика (ёзма), жўғрофия (оғзаки), ўзбек (рус) тили (диктант).

ФАЛСАФА — ўзбек (рус) тили (диктант), тарих (ёзма), физика (оғзаки), чет тили (оғзаки).

СОЦИОЛОГИЯ — математика (ёзма), ўзбек (рус) тили (диктант), чет тили (оғзаки), тарих (оғзаки).

РУҲШУНОСЛИК — математика (ёзма), ўзбек (рус) тили (диктант), биология (оғзаки), чет тили (оғзаки).

ТАРИХ — тарих (ёзма), ўзбек (рус) тили (диктант), жўғрофия (оғзаки), чет тили (оғзаки).

ЖУРНАЛИСТИКА — ўзбек (рус) тили ва адабиёти (иншо), жўғрофия (ёзма), чет тили (оғзаки), ижодий имтиҳон (оғзаки).

РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ — рус тили ва адабиёти (иншо), чет тили (оғзаки), рус тили ва адабиёти (оғзаки), ўзбек тили (оғзаки).

МИЛЛИЙ МАКТАБДА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ— рус тили (диктант), ўзбек тили ва адабиёти (оғзаки), рус тили ва адабиёти (оғзаки), чет тили (оғзаки).

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, ТУРК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ — ўзбек тили ва адабиёти (иншо ва оғзаки), чет тили (оғзаки), жўғрофия (оғзаки).

ФИЛОЛОГИЯ (инглиз, немис, француз) — ўзбек (рус) тили ва адабиёти (иншо), чет тили (ёзма ва оғзаки), ўзбек тили (оғзаки).

СИЁСИЙ ИҚТИСОД, ИҚТИСОД ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШ — математика (ёзма), география (оғзаки), чет тили (оғзаки), ўзбек (рус) тили (диктант).

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР — математика (ёзма), чет тили (ёзма), жўғрофия (оғзаки), ўзбек (рус) тили (диктант).

ГЕОЛОГИЯДА ҚИДИРУВ ВА РАЗВЕДКА — жўғрофия (ёзма), математика (ёзма), ўзбек (рус тили (диктант).

ГЕОФИЗИКА — математика (ёзма), физика (оғзаки), ўзбек (рус) тили (диктант).

ГЕОХИМИЯ — жўғрофия (ёзма), кимё (оғзаки), ўзбек (рус) тили (диктант).

ГИДРОГЕОЛОГИЯ — математика (ёзма), жўғрофия (ёзма), ўзбек (рус) тили (диктант).

ЭКОЛОГИЯ — биология (ёзма), кимё (оғзаки), математика (ёзма), ўзбек (рус) тили (диктант).

АГРОХИМИЯ ВА ТУПРОҚШУНОСЛИК — биология (ёзма), кимё (ёзма), физика (оғзаки), ўзбек (рус) тили (диктант).

Ўрта мактабни олтин (кумуш) нишон билан, ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника ўқув юртларини имтиёзли диплом билан тугатганлар кўрсатилган имтиҳонлар жадвалидаги биринчи имтиҳонни «5» баҳога топширсалар, қолган имтиҳонлардан озод қилиниб, талабаликка қабул қилинадилар. «4» ёки «3» баҳо олсалар, қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар. Ўрта мактабни битириб, ҳунар-техника ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар касблари танлаган мутахассисликка мос келсагина юқоридаги имтиёздан фойдаланадилар.

Ҳарбий хизматдан бўшатилган, ҳукумат томонидан белгиланган имтиёзга эга бўлганлар, етимлар ва боқувчисиз қолган болалар, олий ўқув юртида ўқиш учун шифокор-мехнат эксперт комиссияларининг хулоса ҳужжатига эга бўлган I ва II гуруҳ ногиронлари имтиҳонларни муваффақиятли топширсалар ўқишга танловсиз қабул қилинадилар.

Журналистика мутахассислигига кирувчилар берилган мавзу бўйича ўзбек (рус) тилида ижодий иншо ёзади. Оғзаки ижодий имтиҳон кирувчиларнинг кириш имтиҳонларигача матбуотда эълон қилинган материалларини тақриз қилиш ва суҳбат тарақасида ўтказилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ректор номига ариза, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), соғлиғи тўғрисидаги 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар 1992 йил 25 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1992 йил 1 августдан бошланади.

Талабалар сафига қабул қилиш муддати 1992 йил 22 августгача.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДУ қабул комиссияси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ

ДАСТЛАБКИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ТИРАЖ
1992 ЙИЛ 30 ИЮЛДА
САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ

2-ТИРАЖ — 1992 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРДА
УРГАНЧ ШАҲРИДА

3-ТИРАЖ — 1992 ЙИЛ 30 ДЕКАБРДА
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

1993 ЙИЛДАН БОШЛАБ ҲАР ЙИЛИ ТИРАЖЛАР ЙИЛНИНГ ҲАР ЧОРАГИ ОХИРГИ ОЙИНИНГ 30-КУНИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Жамғарма банки

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёми қиймати 250, 500, 1000 сўмлик облигацияларда 20 йилга мўлжалланиб чиқарилмоқда.

1000 сўмлик облигация битта сериядаги иккита рақамли 2 дона беш юз сўмлик облигациялардан иборат. 250 сўмлик облигация беш юз сўмликнинг ярми ҳисобланади.

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМА БАНКИДА ЭРКИН СОТИЛАДИ ВА СОТИБ ОЛИНАДИ

Сизнинг хоҳишингизга биноан Жамғарма банки облигацияларни сақлаб беришга қабул қилади ва ва Сизнинг облигацияларингизга тушган ютуқлар ҳақида Сизни хабардор қилиб туради.

Облигацияларнинг сақланишига давлат кафолат беради.

Беш юз сўмлик облигацияларга унинг қиймати қўшилган ҳолда 250000, 100000, 50000, 25000, 10000, 5000, 2000 сўм ҳажмида ютуқлар белгиланган.

Дастлабки навбатдан ташқари тираж 1992 йил 30 июлда

ОМАДИНГИЗНИ БЕРСИН!

СИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИДА КУТАМИЗ!

Саид Аҳмад

Учинчи минора

ҳикоя

ГАП-ГАШТАКЛАРДА, тўю томошаларда Жуман бобо ҳамиша битта гапни такрорлайди.

— Мени шоширманглар, невара-чевараларимни нариги минг йилликка ўтқазиб қўяй, ана ундан кейин ҳайдамасанглар ҳам ўзим кетаман. Мен тенгилар кетиб бўлди. Куним сен мишиқиларга қолиб ўтирипти. Сенлар нимани кўрибсанлар, бошларингдан қандоқ савдолар ўтиптики, мен билан гаплашасанлар. Бу йил кузда, худо ҳоҳласа, тўқсон олтидан хатлаб ўтаман. Ҳисобчи бўлсанг, бир чўтга уриб кўр. Ҳар ўттиз йилга бир йилдан қўш, она қорнидалигимга ҳам битта тош ташла. Қанча бўпти? Баракалла, роппа-роса юз бўпти.

Даврада ўтирган ветврач Козимбой ёнидаги кишига, бармоғини чаккасига тираб, пармага ўхшатиб бураб кўрсатди. Жуман бобо буни пайқаб қолди.

Козимбой гапни чалғитмоқчи бўлди.

— Ўн тўққизинчи асрнинг тўрт йилини кўрипсиз, йигирманчи асрнинг тўқсон икки йилини кўряпсиз. Бор, яна йигирма биринчи асрни ҳам кўрмоқчимисиз? Иби, инсоф қане?

— Кўраман, — деди Жуман бобо. — Аммо сен кўрмайсан. Бировнинг ҳақидан кўрқмайсан. Моллар орасида юриб, одам боласининг ичидагини билмайсан. Шу ичишинг, шу чекишинг бўлса ёшимнинг иккидан бирига ҳам етолмайсан. Мард бўлсанг, тур, ўрнингдан. Минорайи Калонга дам олмай чиқишга баҳс бойлашамиз.

— Бухорога бориб нима қиласизлар, ана, Вобкентнинг минораси кўриниб турипти. Шунга чиқа қолинглар, — дейишди даврадагилар, кулишиб.

Жуман бобо шарт ўрнидан турди. Уни калака қилмоқчи бўлган Козимбой турмади. Ҳазиллашдим, ҳазил қилдим, деб қўлини кўксига қўйиб, узр сўраган бўлди.

Чол қайтиб ўтирмади. Эшик томон юраркан, орқасига ўгирилди. Военком билан қўлга тушиб қолган келин аянгга ҳазил қил, аҳмоқ, дедию, чиқиб кетди.

Унинг дили оғриган эди. Шундай пайтларда дилини ёрадиган биттагина Мутаваккил деган жўраси бўлар эди. У ҳам кетди. Энди қаёққа боради. Кимга дардини тўкиб солади.

У жимжит кўчадан бораркан, қадами секинлашди. Илгари бунақа имиллаб юрмасди. Дўстининг ўлимидан кейин чўкиб қолди. Юрганда астарсиз чопонининг этаги икки ёнида қанотга ўхшаб пирпирарди. Соқоли тўзғиб, гоҳ ўнг, гоҳ чап елкасини сийпаларди.

Жуман бобо битта-битта қадам ташлаб бораркан, кўп нарсаларни ўйлади. У яшаган умридан хижолатлик эмасди. Аммо бугунги гап юрак-бағрини ўртаб юборди. Одамларга малол келмасдан бу дунёдан тезроқ кетиш керакка ўхшайди, деган гап ҳаёлидан ўтди. Қандоқ қилсин, дунёга қачон келишинг, қачон кетишинг ихтиёрингда эмас экан.

Жуман бобони Бухоронинг учинчи минораси деб аташарди. Биринчиси минг йил умр кўрган Минорайи Калон, иккинчиси, ундан салгина ёш Вобкент минораси, учинчиси шофирконлик шу Жуман бобо эди.

У остона ҳатлаб ҳовлига кириши билан илгаригидек баланд овоз билан эмас, шикаста бир товушда Истамбой дев хотинини чақирди.

Қўлида элак билан Мўмина момо чиқди. У елкасига тушиб қолган рўмолини шошиб бошига ташлади.

— Жой қилиб бер, ётаман, — деди Жуман бобо.

— Завол пайтигая, бо сизга нима бўлди, Истамбой. Тобингиз қочдими?

Эр-хотин бир-бирларини тўнғич ўғилларининг номи билан чақиришарди. Истамбой ўн тўрт ёшида оламдан ўтган. Аммо номи ота-она хотирасида бир умр қолиб кетганди.

Мўмина момо элакни қозиққа илиб уйга кирди. Эрига овқат ейсизми, деди. Чол жавоб қилмагандан кейин чироқни ўчириб, чиқиб кетди.

Жуман бобони хаёл ҳали уёққа, ҳали буёққа бошларди. Алла-паллагача тўлғониб, ухлолмади. Нариги айвонда мультфильм кўраётган невараларининг овозларига қулоқ солиб ётди.

Мўмина момо деразадан қаради.

— Истамбой турмайсизми, шом бўлди. Обдастага об таҳорат қуйиб қўйдим.

Чол ўрнидан туриб ташқарига чиқиб келди. Жойномоз пойига чўққалади. Узоқ номоз ўқиди. Ўқиб бўлиб ҳам ўрнидан турмади. Хотини Мўминага, етти ўғлига, қудаларига, невараларига худодан умр тилади. Ўрнидан туриб ҳовли айланди. Ўғлиларига атаб қурилган пешайвонли уйлар олдида бир-бир тўхтади. Невараларининг шовқинига қулоқ тутди. Чеҳраси ёришгандек бўлди. Қўйхонага кириб чироқни ёқди. Беш кун олдин туғилган икки қўзичоқни кўтариб эркалатди. Совлиқ безовталаниб пишқирди. Чол уни ҳам силади. Уларга сув берди, хашак ташлади. Уйга кириб ечиниб ётди. Зум ўтмай кўзи уйқуга кетди.

ТУШИГА отаси кирипти. Ариқ бўйида туриб уни имлаб чақирармиш. Орқасида турган онаси, келма, келма, деб ишора қиларкиш. Туш айланиб боя отаси турган жойда Мутаваккил пайдо бўпти. У ҳам имлаб чақирармиш. Ана ундан кейин Истамбой пайдо бўпти. Ота, сизни соғиндим, қачон келасиз, деб сўрармиш. Жуман бобо яқинда бораман, демоқчи бўлиб оғиз жуфтлармиш, аммо овози чиқмасмиш. Бир нима даранглаб, уни уйғотиб юборди. Очиқ қолган деразадан кирган мушук патнисни тушириб юборган экан.

Тонг ёришиб келарди. Сўфининг бомдод намозига чақириб, оллоҳу акбар, оллоҳу акбар, деган товуши эшитилди.

Жуман бобо кўнгил хиралик билан таҳорат олиб масжидга чиқиб кетди. Ҳеч ким билан гаплашмади. Намозни ўқиб орқасига қайтди. «Нима бўлди, отам чақиряпти, Мутаваккил ҳам, Истамбой ҳам чақиряпти. Ўлганлар куни битган кишини чақиради. Нима куним битдимикин».

Нонуштада эр-хотин бир-бирига гапирмай, жимгина ширчой ичишарди.

Жуман бобо бўшаган косаларни олиб кетаётган Мўминани ўтир, Истамбой, гапим бор, деб қайта ўтқазди.

— Менга қара, хотин, бу дунёда ишим битганга ўхшайди. Тадоригингни кўриб қўйсанг бўлармиди. Ниманг бор, ниманг йўқ, қараб қўй.

Мўмина момо эридан бирон марта бунақа гап эшитмаганди. Чол ўлимдан оғиз очмасди. Нима бўлди?

— Эсингизни еб қўйибсиз, Истамбой, нафасингизни иссиқ қилинг, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам паришталар омин, дейди.

Чол салмоқлаб гап бошлади.

— Э, хотин, ўлмайдиган ким бор. Худонинг иноятн билан шунча йил яшадим. Гапимни бўлма! Яхши-ёмон гапирган бўлсам, кўнглингдан чиқариб юбор. Тўққиз бола туғиб бердинг, минг раҳмат. Бир марта чертмадим. Оғзимдан ножўя гап чиқмади. Нимайики орзу қилган бўлсам ҳаммасига етдим. Бировнинг дилини оғритмадим, бировнинг маҳрамига кўз ташламадим. Худонинг даргоҳига пок имон билан бораман.

Кампир ўйланиб қолди. Нимадир демоқчи бўлиб, бир-икки марта оғиз жуфтлади. Айтолмади. Чол буни сезиб турарди.

— Қандоқ гап айтмоқчисан? Тортинма айт. Гуноҳ қилган бўлсам тавба қилай...

Мўмина момо эрига узоқ қараб турди. Кейин журъатсизлик билан гап бошлади.

— Айт, дедингиз, айтай. Гуноҳингиз бор, Истамбой. Худо кечирмайдиган гуноҳингиз бор.

Чол қошларини кериб унга қаради. Манглай ажинлари қават-қават бўлиб кетди. «Нахот худо кечирмайдиган гуноҳ қилган бўлсам. Бу кампир нималар деб алжияпти». Шу ўтиришида хаёли дунёни икки айланиб чиқди. Яшаб ўтқазган тўқсон олти йилни бир-бир элакдан ўтқазди. Олти ёшидан сурув кетидан чанг ютиб, чўлларни кезди. Қирчиллаган қиш чилласида, офтоб олов пуркаган саратонда қўйлар билан бирга ётиб, бирга турди. Отарида туғиладиган қўзилар орасида аҳли лол қолдирадиган «Антиқа», «Сур», «Шероз» теларини бошқа чўпонларга ўхшаб бекитмади. Совхозга топширди.

Кампир умрида биринчи марта эрининг кўзига тик қаради.

— Сиз тўққиз бачча кўриб... худодан тилабтилаб олган биттайи-битта қизингиз билан юз кўрмас бўлдингиз. Бу гуноҳ эмасми? Ҳасан-Ҳусан невараларингиз бу йил саккизга киради. Бирон марта бориб кўрдингизми? Бача бечоралар Шофирконда герой бобомиз бор, деб махтаниб юришармиш.

Мўмина момо тўққиз йилдирки, эрини инсофга келтиролмасди. Ҳозир жуда мавриди келиб қолганди. Ичидаги дардларини тўкиб солди.

— Қизингиз ғар бўлмапти, ўғри бўлмапти, Ҳамробойнинг қизига ўхшаб ўқишдан қорнини дўппайтириб келмапти...

Жуман бобо икки тиззасига шапиллатиб уриб, ўрнидан туриб кетди.

Бундан тўққиз йил муқаддам Жуман бобо тўшакка ётиб қолган тенгдош дўсти уста Мутаваккилни кўргани борди. Унинг икки оёғи шол бўлиб, кўчага чиқолмай қолганди. Киевда ўқийдиган ўғли почтадан аравача юборипти. У борганда аравачада юришни машқ қилаётган экан: Жуман бобо аравачани итариб гузарга олиб чиқди. Иккови бир чойни эрмак қилиб, ўтган-кетганлардан гаплашиб ўтиришди. Тенгдош бўйинса дўстларини эслашади. Бирин-кетин ҳаммаси кетиб бўлди. Бу одам тўймас дунёда тенгқурлардан ижковигина шўппайиб қолишипти.

— Жуманбой жўрам, — деди Мутаваккил. — Сен билан, адашмасам, саксон етти йилдан бери жўрачилик қиламан. Орамизга бирон марта бўлсин совуқчилик тушмади. Гинахонлик қиладиган бирон гап айтишмадик. Биз-ку, кетамиз, аммо орқамизда қоладиган бачаларимиз бир-биридан узоқлашиб кетишмасмикин? Шундоқ бўлмасин десанг, кел, қудачилик қилайлик. Қизинг Истатойни келин қилай. Ўғлим Луқмонбой бу йил ўқишни тугатиб келади. Тўй қилайлик.

Мутаваккилнинг ўғли эс-ҳушли йигит бўлганди. Куёвинг борми, десанг, бор дегулик.

— Э, дўстим, ўнта қизим бўлса, ўнтасини ҳам қўлингга топширамен. Истатой таътилга келсин, қўл-оёғини боғлаб остонангга ташлаб келганим бўлсин.

Икки қуда ҳдбом эзилиб гаплашишди. Тўй режасини ҳам тузиб қўйишди. Кечга томон Жуман бобо арава тортиб Мутаваккилни уйига элтиб қўйди.

Мутаваккил шу кўчага чиққанича қайтиб чиқмади. Етиб қолди. Дўхтирлар Бухоро шифохонасига олиб кетишди. Икки оёғи қорасон бўлган экан, кесмаса, айниган қон тананинг бошқа томонларига ҳам ўтиб кетиши мумкин экан, кесишди. Тўрт кундан кейин олдига одам қўйишди. Жуман бобо борганда у кўкка қараб қимирламай ётарди. Кўзини аранг очиб унга қаради. Нимадир демоқчи бўлди, айтолмади. Лаби сал-пал қимирлагандек бўлди.

Орадан бир ҳафта ўтиб уни тупроққа қўйишди.

Мутаваккил у билан бирга узоқ йўл босган жўраларининг энг сўнгиси эди. Энди бу ёруғ жаҳонда Жуман бобонинг бир ўзи шўппайиб қолгандек бўлди.

БУ орада қизи Истатой дўхтирлик ўқишини тугатиб қайтиб келмади. Бирга ўқиган тошкентлик йигит билан дон олишиб қопди. Ота-оналарини, ака-ука, янгаларини тўйга айтиб телеграмма юборипти. Жуман бобо ҳеч кимни тўйга юбормади. Бундай қизим йўқ. Уни танимайман, деди. Мўмина момо йиғлади, ялиниб, ёлворди, бўлмади.

Чол эса эрта саҳардан чиқиб кетганича Жилвон чўлларида тентираб кунини кеч қиларди. Баъзан Вардонзе қалъасига бориб вайроналар устида кун ботишга қараб ўтирарди. Қизариб-бўзариб ботаётган қуёш унинг дардларини ҳам оловли баркашига солиб ботаётгандек бўларди.

Бухорои шарифга тенгдош бу қалъани Вардон худотлар давлати тиклаган эди. Бунда кимлар бўлмади, нималар бўлмади? У Қутайбани ҳам, элакчи Таробийни ҳам, жомакор сафидлар етакчиси Муқаннани ҳам, мўр-малахдек ёпирилган Чингизхон лашкарларини ҳам, тўп, замбараклар судраб келган шафқатсиз Фрунзени ҳам, ва ниҳоят, қишлоқма-қишлоқ юриб одам отган Куйбишевни ҳам кўрган.

Чол ҳар гал Вардонзега келганда шаштидан тушар, бу қалъа олдида инсон умри бир оний эканига иқрор бўлар, тани совиб, фикри тиниқлашиб уйига қайтарди.

Мутаваккилнинг ташлаб кетганига, Истатойнинг Тошкентда қолиб кетганига ҳам тўққиз йил бўлди. Дунёнинг тўхтатиб бўлмас ташвишлари, янгидан-янги жумбоқлари эскисининг устига кул тортади. Аста-секин хиралашиб, хотира деб аталмиш гўшанинг бир пучмоғида кўмилиб кетади. Аммо Жуман бобо Мутаваккилни унутолмасди. Ҳар жума номоздан кейин қабристонга бориб, гўри тепасида қуръон тиловат қилар, ваъдасида туролмаган дўстингни кечир, деб пичирларди.

Бугун негадир ҳаммаёқ жим-жит. Ҳар куни эрталаб отасига салом бериб ишга кетадиган ўғиллари кун пешиндан оғдики, кўринишмайди. Келинлар бурчак-бурчакда пичирлашади. Мўмина бугун сигирни ҳам соғмаяпти. Маъраб ҳовлини бошига кўтараман дейди. Товуқлар донсиз қолган. Нима бўлди? Тинчликми?

Кўча йўлагидан ҳассага таяниб учта оқсоқол кирди. Мўмина уларни ичкарига бошлади. Жуман бобо пойгакда тиз чўкиб уларнинг оғзига тикилди. Чоллар гапни нимадан бошлашларини билмай, сен айт, сен айт, дегандек бир-бирларига қарашарди. Улар аввал обҳаводан, кейин бу йил кузнинг яхши келганидан, ҳукумат СЖКни таъқиқлаб зап иш қилганидан гапиришди.

Жуман бобонинг тоқати тоқ бўлди.

— Чайналмасдан гапиравергинглар, нима бўлди? — деди ташвишли бир оҳангда.

Чоллардан бири унга эмас жўмрагидан ҳовур чиқаётган чойнакка қараб гап бошлади.

— Сизга худо сабр-тоқат берсин. Қандоқ қиламиз. Дунёнинг ишлари шу экан. Бир келмоқнинг бир кетмоғи ҳам бор, дейдилар. Истатой омонатини топширипти.

Жуман бобонинг боши эгилди, бели букилиб, букилиб, охири соқоллари тиззасини қордек босди.

Бутун олам бирдан сукутда қолгандек, жим-жит. Шундай жимлик чўкдики, бандидан узилган баргнинг ерга қўнгани ҳам эшитилди. Жуман бобонинг баданидаги ҳар бир мўй оғир тош бўлиб уни пастга тортарди...

Бундан бир йил олдин Истатой билан Раҳмонжонни ҳарбий комиссариат чақириб, дўхтирлар етишмаяпти, деб уларни Афғонистонга жўнатган эди. Бу гапдан фақат Жуман бобонинг тўнғич ўғлигина хабардор эди. Буни на онасига, на отасига айтган. У ойда бир марта Тошкентга бориб, жиянларидан хабар олиб турарди.

Бугун эрталаб Тошкентга иккита тунука тобут келди. Бирида Истатойнинг, яна бирида Раҳмонжоннинг жасади бор эди. Жуман бобонинг икки ўғли шитоб билан Тошкентга жўнаб кетишди. Қудалар маслаҳат билан ижковига ёнма-ён гўр қазитмоқчи бўлиб туришган экан. Истатойнинг акалари бунга кўнишмади. Синглимизни туғилган юртига дафн қиламиз, дедилар. Маслаҳат билан Раҳмонжон Тошкентда, Истатой Шофирконга данф қилинадиган бўлди. Бугун пешин намозида Раҳмонжонга жаноза ўқилди. Дуои фотиҳадан кейин Истатойнинг тобути солинган автобус Бухоро томонга йўл олди...

...Чоллар юзларига фотиҳа тортиб, ўринларидан туришди. Жуман бобо ҳарчанд уринса ҳам ўрнидан туролмади. Икки киши қўлтиғидан олиб турғазиб қўйди.

Кўп яшаган, кўпни кўрган, бахту бахтсизликларни, тўю азаларни кўрган Жуман бобо шу топда ўзини эплолмай мувозанатини йўқотган эди.

ХОВЛИ одамга тўлиб кетган. Қуда-қудағайлар, қариндош-уруғлар, ҳамқишлоқлар кўча эшиги олдида жимгина ер чизиб ўтиришарди. Ичкаридан хотин-халажнинг айтиб йиғлаши эшитилди. Оқсоқоллардан бири ҳовлига кириб, ҳой мурда эшикдан чиқмай, тупроққа қўйилмай йиғлаб бўлмайди, деб уларни тинчитиб чиқди. Барибир Мўмина белини бойлаб ҳовлининг у бошидан бу бошига юриб йиғларди.

Автобус кечаси ўн бирларда келди.

Аллақайдан пайдо бўлган военком тобутни очишга рухсат бермади.

— Тобути билан кўмилади. Ким очса жавобгарликка тортилади.

Рухсат бўлганда ҳам очиб бўлмасди. Руҳланган қалин тунукани фақат электр пайванд аппаратида кесиш мумкин эди.

— Вой, узоқларда ўққа учган болам. Темир кафан кийган болам.

Мўминанинг бу фарёди одамларнинг юрак-бағрини ўртаб юборди. Ҳамма баробар ув тортди.

Истатойнинг Ҳасан-Ҳусан ўғиллари ҳеч қачон келмаган ҳовлида, ҳеч қачон кўрмаган одамлар орасида ҳайрон қараб турардилар. Улар гўдак эди. Бир кунда ҳам отасидан, ҳам онасидан ажралганини, энди етим бўлиб қолганларини идрок қила олмасдилар. Уларнинг болалик онгида эртами, кечми бир кун қайтиб келадигандек эди. Энди бир умр ота билан онани қўмсаб яшашларини, шодлик ва аламли дамларда энг яқин ҳамдард кишилари бўлмаслигини ҳали билмасдилар.

Тобутни ичкари уйга олишди. Мўмина тобутни қучоқлаб фарёд урарди.

— Болагинам, тўққиз йил дийдорингдан бенасиб бўлганим етмасмиди. Чиқ, чиқ бу темир кафандан. Жамалак сочларингни бир силай. Жонсиз танангни бағримга босай.

Келинлар уни суяб ташқарига олиб чиқишди. У остонада бел боғлаб турган нораста икки неварасини бағрига босиб фарёд урди.

Жуман бобо айвон даҳанида кўксини ҳассага бериб қимирламай ўтирарди. Унинг ўғиллари тобутни бузиб очамиз, деб болта кўтариб келишди. Военком билан икки солдат йўлларини тўсиб, болтани олиб қўйди. Бу оқшом хонадонда ҳеч ким ухламади. Жуман бобо икки етим неварасини тўнига ўраб, кўзларини юмганча қимирламай ўтирарди, ҳа деб ўзини ўзи қарғарди.

Йиғи-сиғи, дод-дарёд билан Шофиркон тонги ёришди. Офтобнинг биринчи тонги Вобкент минораси пештоқини шам қилиб ёқди.

Кўча эшиги олдига қўйилган курсиларда кексалар ўтиришарди. Ёш-яланг қўл қовуштириб тик турипти. Кимдир ювилмаган, кафанланмаган мурдага жаноза лозимми, деб сўраб қолди. Масжид мутаваллиси жавоб қилди.

— Мухорабада қурбон бўлганлар шаҳид кетадилар. Уларнинг жасадлари ҳаво билан, офтоб билан ювилади. Буни таяммум дейдилар. Истатой тўппа-тўғри беҳишга тушади. Ҳур-ғулмонларга қўшилиб кетади.

Қабристондан қайтаётганлар орасида Жуман бобо кўринмасди. Ҳар кимнинг ўз гуноҳи ўзи билан. Балки Жуман бобо қизини кечирганда, кел, деб эшигини очганда бундай бўлмасмиди. Энди Мўминанинг бетига қандай қарайди. Ахир у нимага бундай бўлганини билади-ку! Ундан қаёққа қочиб қутулади?

У қалъа томон оғир юк орқалагандек букчайиб борарди. Неча юз йиллар олдин қулаб кетган минг йиллик дарахтларнинг тошга айланган илдизларига тирмашиб харобалар тепасига чиқди. Бу жойдан бутун воҳа кафтда тургандек кўринарди.

Офтоб ўчяпти. Кўм-кўк осмонда сузиб юрган пахтадек юмшоқ паға-паға булутлар таги ёнаётгандек ловулларди.

Жуман бобо икки қўлини баланд кўтариб аллоҳга нола қилди:

— Э худо, мунча қаҳрингга оласан? Нега мени ўлмайдиган дардга мубтало қилдинг? Илон-чаёнлар чақса ҳам ўлмайдиган, бўри-ю, шоқоллар даф қилмайдиган, ўтда ёнмас, сувда чўкмас қилиб яратдинг. Ўз боласини остонадан қувган гуноҳкор бандангман. Даргоҳингга сиғиниб келдим, Омонатингни ол! Дунёга ўтиймаган норасталар, умрини нега менга юлиб берасан? Ахир мен ёшимни яшаб бўлдим. Яшайвериб зерикиб кетдим. Ўзингдан тилаб олган ёлғиз қизим у дунёга мендан дили оғриб кетди. Бунга қандоқ чидайман? Тонгла машҳарда унга қандоқ қарайман? Энди кетай, бу ёруғ жаҳонда бошқаларга жой бўшатай.

Кўм-кўк осмон жим. Булутлар жим. Унинг илтижоларига на кўк, на ер жавоб қиларди.

Олисда ҳарир туман ортида салкам минг йил яшаган Вобкент минораси абадийлик тимсоли бўлиб кўриниб турарди. Гўё у:

— Юр, олис асрларга бирга борайлик, деб чорлаётганга ўхшарди.

Чол қалъадан ҳорғин тушиб келаркан, атрофни қоронғулик пардаси ўраб, нилдек осмонда бирин-кетин юлдузлар кўз оча бошлаган эди.

1992 йил. Май.

СПОРТ

ТАХМИНЛАР ПУЧГА ЧИҚДИ

● **ШВЕЦИЯДА ўтказилаётган Оврупо чемпионатида ярим финалчилар аниқланди.**

Футбол мухлислари электрон-ҳисоблаш машинасида ишлаб чиқилган хомчўт таҳминларга умид боғлашган эди. Фараз қилинишича, ярим финалда Швеция — МДҲ, Голландия — Франция жамоаларининг куч синашиши кўзда тутилганди. Афсуски, футболнинг тасодифларга бойлиги яна бир бор намоён бўлди. МДҲ терма жамоаси футболчилари ўз имкониятларидан етарли фойдалана олишмади. Улар дастлабки икки учрашувни дуранг қилишди. Кейин биророта ҳам очко ололмаган Шотландия жамоаси билан якунловчи саралаш учрашувида учта жавобсиз тўп ўтказиб, ўйиндан чиқишга мажбур бўлишди. Ваҳолонки, ана шу учрашувдаги ғалаба жамоамизнинг чорак финалга чиқиши учун имкон бериши аниқ эди. Начора югурганники эмас, буюрганники, деганларидек, сўнгги ўйинни Голландия футболчилари билан ўтказган Олмония терма жамоаси 3:1 ҳисобида ютқазсада курашни давом эттириш ҳуқуқини сақлаб қолди. Голландия футболчилари бешта очко билан ўз гуруҳларида биринчи ўринни олишди. Шундай қилиб, 21 ва 22 июнь кунлари ўтказиладиган ярим финал ўйинларида Швеция — Олмония ва Голландия — Дания жамоалари майдонга тушадиган бўлишди.

МУНОСИБ ЎРИН БОСАРЛАР

● **ТОШКЕНТДА бокс бўйича темирйўлчилар спорт клублари ўсмирлари ўртасида республика очиқ чемпионати ўтказилди.**

Қизғин баҳсларда мутахассислар иқтидорли ёшлар камол топаётганини кузатдилар. Вазнларга кўра тошкентлик Сергей Гераков, Константин Богатенко, қўқонлик Бахтиёр Ҳусанов, қаршилик Мирамир Ваҳобов, навоийлик Александр Гондарев ҳамда бухоролик Ботир Деҳқонов билан Александр Еременлар ғолиблик супасига кўтарилишди. Жамоа ҳисобида тошкентликлар биринчи бўлишди.

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

● **БИРИНЧИ лига футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг 13-тур ўйинлари бўлиб ўтди.**

Қизиқарли учрашувлар Тошкент, Бекобод ва Наманган шаҳарларида бўлди. Чунончи, «Диёнат» жамоаси пешқадам атласчиларни қабул қилиб, 3:0 ҳисобида ғалаба қозониши мухлисларни қувонтирди. «Маъдан» ҳамда «Политотдел» жамоалари учрашувида саккизта тўп киритилди. Томонлар дарвозани баравар ишғол этиб, ҳисобни дуранг қилишди. «Навбаҳор-2» футболчиларининг ўз майдонларида «Пахтачи»га 2:3 ҳисобида имкониятни бой беришлари ҳам қизиқ бўлди. Ҳозир «Атласчи» 19 очко билан пешқадамлик қилмоқда. «Бахт» жамоаси ҳисобида 15 та очко бор. «Бағдодчи» ва «Диёнат» футболчилари 14 тадан очко тўплашди.

● ТИЛ — БОЙЛИГИМИЗ

ТУРКИЙЛАР ҚИЁСИЙ ЛУҒАТИ

ҚОМУСЛАР ичида энг мураккаб ва қизиқарлиси қиёсий луғатлар ҳисобланади. Чунки, унда бир неча тилдаги мисоллар бир-бири билан қиёсланади, таққосланади. Бундай луғатлар икки жиҳатдан аҳамиятли. Илмий жиҳатдан тил тарихи, сўз ўзаги, унинг ривожланиши каби муаммоли масалаларни ҳал қилишда, аҳамиятлидир. Амалий жиҳатдан бошқа тилларни ўрганишда катта маънбадир. Яқинда Турк Культур баканлиги тарафидан Анқарада чоп этилган ўн тилли туркча — озорча — бошқирдча — қозоқча — ўзбекча—татарча—туркманча—уйғурча — русча қомус ана шундай муҳим луғатлардан ҳисобланади. Унда туркий халқларнинг кундалик турмушида, ҳаётида, кенг истеъмолда бўлган етти мингдан ортиқ сўз ва иборалар ўн тилда изоҳланган.

Луғат минг бетдан ортиқ бўлиб, унга сўз боши, айрим ҳарфлар ҳақида қисқача грамматик суҳбатлар илова қилинган. Ушбу қомус туркий халқлар тилшуносларининг ҳамжиҳатлиги натижасида вужудга келганлиги билан таҳсинга сазовордир. Уни яратилишида турк профессори Аҳмад Бижон Эржилосун раҳбарлигидаги бир гуруҳ йирик туркшунослар қатнашганлар. Улар ичида қозоқ профессори Эрдон Ҳожибек, уйғур олими Валинур Махфиров, қирғиз тилшуноси Қодирали Қунқабоевлар бор. Луғатнинг ўзбекча қисми ЎзФА Тилшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Бердақ Юсупов томонидан бажарилган. Бу луғатга ҳозирданоқ япон, америка, инглиз туркшунослари катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Гарчи лунат 1991 йил охирида беш минг нусхада босилган бўлсада 1992 йилда кўп минг нусхада чоп этилиши режалаштирилган.

Луғат билан чуқурроқ танишиш натижасида ундан кўп маълумотлар олиш мумкин. Биринчидан, бу луғат ўзбек тилини бошқа туркий тиллардан бойроқ эканлгини кўрсатади. Масалан, озар тилида бир офарин сўзига ўзбек тилида шу маънода иккита офарин ва қойил сўзлари тўғри келади. Озарча биргина одат ўрнида ўзбекча уч сўз ишлатилади: одат, расм-русум, урф-одат. Худди шунингдек, тез ўрнида тез, илдам, чаққон сўзлари қўлланилади.

Туркча инжу ўрнида ўзбек тилида уч сўз: инжу, марварид, дур, ихтиёр ўрнида қария ,кекса, муйсафид сўзлари берилган. Бу нарса биринчидан ўзбек тилини шаклланишида ҳар уч: қарлуқ, қипчоқ, ўғуз шеваларининг фаол иштирок этганлгини, иккинчидан Б. Юсуповнинг луғат тузишидаги оғир меҳнатини, луғатга ижодий ёндошганлигини кўрсатади. Луғатнинг ўзбекча қисмини тўлдирган тилшунос олим турк тилидаги сўз маъносини аниқ изоҳлашга ҳаракат қилган. Масалан туркча ҳажиз сўзини ўзбек тилига қарздорнинг мол-мулкини гаровга олиш, деб таржима қилган, гирди сўзи ишлаб чиқариш воситалари ва кучлари деб ўгирилган.

Маълумки ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан биз байналмилал сўзлар ўрнида янги сўзлар ишлата бошладик. Масалан, район сўзи ўрнида ноҳия, туман, депара сўзларини қўллай бошладик. Натижада матбуотда мунозарали фикрлар пайдо бўлди. Афсус, биз ана шунда туркий тилларнинг қиёсий луғатларига эътибор бермадик. Агар эътибор берганимизда эди, ишимиз бирмунча енгилроқ кўчган бўлурди. Чунончи, адрес ўрнида матбуотда турар жой, манзил, манзилгоҳ, тураргоҳ сўзлари ишлатилди. Қиёсий луғатдаги мисолларга қарасак, турклар ва озарлар бу сўз ўрнида иқоматгоҳ сўзини қўллар эканларки, бу албатта диққатга сазовор.

Худди шунингдек, воронка сўзи ўрнида матбуотда бирнеча сўз таклиф этилди. Ушбу қиёсий луғатда туркман ва қирғизлар уни қўйғич деб берганларки, ундан ҳам фойдаланиш мумкин. Оёқ кийими кийишда ишлатиладиган асбобни уйғурлар оёқ-қошиқ, деб ишлатадилар. Биз ҳам бу сўздан фойдаланишимиз мумкин. Луғатнинг диққатга сазовор томонларидан яна бири у ёки бу байналмилал сўзнинг муқобили бўлмаса, ҳамма луғатчилар ўша сўзнинг ўзидан фойдаланганлар. Масалан туркча ленс ўрнида бошқирд, татар, туркман, қирғизлар линза сўзини ишлатганлар. Демак, байналмилал сўзнинг муқобили бўлмаган тақдирда ўзидан фойдаланиш мумкин. Худди шунга ўхшаш ванна сўзи ҳам ҳамма туркий луғатларда бир хил— ванна, деб тўғри берилган. Болалар учун олинадиган ҳақ ҳам ҳамма туркий тилларда алимент деб ишлатилади.

Туркий халқларни бирлаштирадиган ва бугунги Ўзбекистон — Туркия алоқаларини кучайтиришга ёрдам берадиган бундай қомусларни нашр этиш бугунги куннинг талабидир.

Эргаш УМАРОВ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Нашр кўрсаткичи—64583.

Буюртма № Г—182.

№ 121.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 20.30. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.